Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 141 (20. 408) • 1989 йил 15 июнь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

РЕЙН СОҲИЛЛАРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

М. С. Горбачевнинг Германия Федератив Республикасига визити

М. С. Горбачев Бонн ратушаси балконида. ТАСС сурати.

БОННН, 13 июнь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг ГФРга қилган расмий визити тўғиз программасининг иккинчи куни Бонн аҳолиси билан учрашувлар, мамлакат раҳбарлари билан музокаралар, ГФРнинг савдо-саноат аҳли билан учрашувлар бўлди.

Совет раҳбари ГФР федерал канцлерининг ўринбосари, ташқи ишлар министри, Г. -Д. Геншер билан суҳбатдан кейин, эрталабданоқ шаҳар ратушасига борди. Унинг келишидан анча аввалоқ ратуша ёнидаги бозор майдонига чиқдилар. Уларни қарсаклар ва табрик сўзлари билан кутиб олдилар. М. С. Горбачев йиғилган кишилар билан саломлашади, дастхатлар беради, қисқа-қисқа суҳбатлар бошланиб кетади.

Сўнгра автомашиналар кортежи Бундестагга йўл олади, бу ерда Бундестаг раиси Р. Зюсмут хоним М. С. Горбачевни кутиб олади. У Совет Иттифоқилик олий мартабали меҳмонга Бундестаг президиумининг аъзоларини таништиради.

Шу кунинг ўзида М. С. Горбачев билан федерал канцлер Г. Коль ўртасидаги музокаралар давом эттирилди. Совет томонидан музокараларда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, И. С. Силаев, Ю. А. Квицинский, ҳамроҳ бўлиб келган бошқа кишилар қатнашдилар.

Музокаралар тугагач, М. С. Горбачев билан Г. Коль қўшма баёнот имзоладилар, Ғарбий Германия обзорчилари уни бир овоздан «тарихий ҳужжат», деб атамоқдалар.

Шундан кейин иккала мамлакат раҳбарлари ҳозирлигида бир қанча икки тараф алоқа ва ҳамкорликка интилаётганини изҳор қилдилар, бир-бирларига эсдалик совғалар топширдилар.

М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева Бонн фахрий меҳмонларига аталган зарҳал китобга имзо чекдилар.

Ратуша билан танишилганидан сўнг Совет Иттифоқилик меҳмонлар бу йил ўзининг 2000 йиллик юбилейини ўтказадиган шаҳарнинг тарихий маркази — бозор майдонига чиқдилар. Уларни қарсаклар ва табрик сўзлари билан кутиб олдилар. М. С. Горбачев йиғилган кишилар билан саломлашади, дастхатлар беради, қисқа-қисқа суҳбатлар бошланиб кетади.

Сўнгра автомашиналар кортежи Бундестагга йўл олади, бу ерда Бундестаг раиси Р. Зюсмут хоним М. С. Горбачевни кутиб олади. У Совет Иттифоқилик олий мартабали меҳмонга Бундестаг президиумининг аъзоларини таништиради.

Шу кунинг ўзида М. С. Горбачев билан федерал канцлер Г. Коль ўртасидаги музокаралар давом эттирилди. Совет томонидан музокараларда Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, И. С. Силаев, Ю. А. Квицинский, ҳамроҳ бўлиб келган бошқа кишилар қатнашдилар.

Музокаралар тугагач, М. С. Горбачев билан Г. Коль қўшма баёнот имзоладилар, Ғарбий Германия обзорчилари уни бир овоздан «тарихий ҳужжат», деб атамоқдалар.

Шундан кейин иккала мамлакат раҳбарлари ҳозирлигида бир қанча икки томонлама битимлар имзоланди. Бу аҳдлашувлар фан ва олий таълим соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини, ёшларни бир-бирларига юбориб туришни, СССР ва ГФРнинг маданият марказларини барпо этишни кўзда тутади. Бошқа битимлар экономика соҳасига тааллуқли бўлиб, капитал маблағ сарфлашни амалга ошириш ва уни ўзаро ҳимоя қилишга, шунингдек экономика соҳасидаги мутахассислар ва раҳбар кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишда чуқурроқ ҳамкорлик қилишга қаратилган. Кремль билан Бонндаги федерал канцлер маҳкамаси ўртасида бевосита алоқа йўли вужудга келтирилади. Иккала мамлакатнинг ҳукуматлари наркотик моддаларни ва психотроп моддаларни сиистеъмол қилишга ва уларнинг ғайриқонуний оборотига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олдилар.

Битимларни совет томонидан ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев, Ғарбий Германия томонидан ташқи ишлар министри Г. -Д. Геншер ва ГФР тегишли маҳкамаларининг раҳбарлари имзоладилар.

М. С. Горбачев федерал канцлер маҳкамасининг фойесида ташкил этилган фотовиставкани кўздан кечирди, унда ГФРдан бориб, даҳшатли зилзиладан азият чеккан арман халқига ёрдам берган кўнгиллиларнинг фидокорона куч-ғайратлари акс эттирилган.

Федерал канцлер маҳкамасини бориб кўриш вақтида Совет Иттифоқилик меҳмонларга юксак аниқликдаги телевидение қурилмаси кўрсатилди. «Хуш келибсиз, Горбачев жаноблари» қисқача видеофильми намойиш этилди.

Тушдан кейин Кёльндаги савдо-саноат палатасида М. С. Горбачев ГФР савдо-саноат доираларининг намояндалари билан учрашди. Бу учрашув ўтказиладиган жойнинг танланишида рамзий маъно бор: Волгоград билан биродар тутинган Кёльн улгуржи савдонинг катта маркази ҳисобланади, бу ерда халқаро виставкалар, ярмаркалар мунтазам равишда ўтказилиб турилади.

Одамлар билан лиқ тўлган биржа залида Ғарбий Германия экономикаси шарқий комитетининг раиси О. Вольф фон Амеронген, ГФР саноатининг бошқа раҳбарлари М. С. Горбачевни табриклаб, кутиб олдилар. Совет раҳбари бизнесменлар ҳузурида нутқ сўзлади. Унинг нутқини йиғилган кишилар самимий кутиб олдилар. Кечқурун «Аугустусбург» қасрида федерал президент Р. фон Вайцзеккер рафиқаси билан биргаликда М. С. Горбачев ва Р. М. Горбачева шарафига зиёфат берди.

А. ПЕТРОВСКИЙ,
Ю. РОМАНЦОВ,
В. СЕРОВ,
В. СМЕЛОВ,
С. СОСНОВСКИЙ,
В. ЧУКСЕЕВ.

Пилла — давлатга

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ДАСТЛАБКИ ДОВОН

Фарғона области пиллакорлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар пилла тайёрлаш йиллик планини ортиғи билан бажаришди. Қабул пунктларига пландаги 5500 тонна ўрнига 5632 тоннадан ортиқ «кумуш тола» топширилди.

Хом ашёнинг ипакчанлиги юқори бўлганлиги учун 548 тонна пилла қўшиб берилди. Ҳар қути қурт уруғидан 67 килограммдан ҳосил олинди. Топширилган ҳосилнинг 91 проценти юқори сортларга баҳоланди. Дастлабки довондан ошган область пиллакорлари планга қўшимча яна 150 тонна хом ашё топширишга аҳд қилдилар.

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Қорақалпоғистон автоном республикасида давлатга пилла топшириш уюшқоқлик билан олиб борилянти. Бу йилги табиат қийинчиликларига қарши омилкорлик билан иш юритган Амударё райони заршуносларн, айниқса, баракали ҳосил етиштирдилар. Улар куни кеча 250 тонналик «кумуш тола» хирмони яратиб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Мавжуд ипак қуртларининг ҳар қутисидан терилб олинган пилла 60 килограммдан ошиб кетди. Пиллакорлар социалистик мажбурият ҳисобига хом ашё топширишни қизғин давом эттиришянти.

МУНОСИБ УЛУШ

Наманган область Чуст райони пиллакорларидан ғалаба рапорти олинди. Район «кумуш тола» ижодкорлари пландаги 215 тонна ўрнига 320 тонна пилла топширишга муваффақ бўлишди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 64 килограммдан қимматбаҳо хом ашё терилб топширилди.

Эришилган муваффақиятга ҳамма хўжаликлар муносиб улуш қўшдилар. Айниқса, Навоий номли колхоз пиллакорларининг муваффақияти таҳсинга лойиқ. Хўжалик аъзолари 31 тонна пилла тайёрлашга эришдилар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Сирдарё областининг Оқолтин ва Ильич районлари пиллакорлари ҳам давлатга хом ашё топшириш йиллик плани муваффақиятли адо этилганлиги ҳақида рапорт бердилар.

КУЛФАТДА ҚОЛГАН ХАЛҚҚА ЁРДАМ

Фарғона водийсида бўлиб ўтган фожиали воқеалар тўлқини ҳали изоҳланиши керак. Бу воқеаларнинг миллатчилик руҳи аниқ кўриниб, кўр-кўрона жазава муҳити сезилиб турибди. Бу воқеаларга аралашиб қолган оломон бебошлик қилди. Бироқ тўполончиларнинг ҳаракатларига йўл-йўриқ бериб турган жиноятчилар ҳали қўлга олингани йўқ. Тергов органлари ҳали кўп нарсани аниқлашлари лозим. Бу фожиани сиёсий жиҳатдан идрок этиш, воқеаларнинг бир қарашда кўринмайдиган сабабларига оқилона баҳо бериш ҳам муҳимдир.

12 июнь куни Фарғонага етиб келган Н. И. Рижков ва В. М. Чебриков ишга киришдилар, улар воқеаларнинг бутун манзарасини аниқлаш, шу воқеаларнинг оғир оқибатларини бартараф этиш учун зудлик билан кўриладиган чора-тадбирларни белгилаш мақсадини кўзлаб иш тутмоқдалар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, СССР Ички ишлар министри В. В. Бакатин билан биргаликда Фарғонада ва унинг атрофидаги поселкаларда месхети турклари нинг ўт қўйилган ва таланган уйларини кўздан кечирдилар, безорилик ур-йиқитларини ўз кўзи билан кўрган маҳаллий кишилар билан суҳбатлашдилар. Ҳали ҳам қаттиқ ранжиган ва саросимага тушган ҳолда турган одамлар безорилар ва уларнинг гумашталарининг хатти-ҳаракатларини қоралаш билан бирга, рўй берган воқеа ўзбек халқининг ахлоқий-маънавий эътиқодларига мутлақо зид эканлиги ҳақида гапирдилар.

Фарғона область партия комитетида область раҳбарлари билан, ҳуқуқ-тартиботни ва гражданларнинг хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек қилинган жиноятларни текширишда қатнашаётган Иттифоқ ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари билан учрашув бўлди. Кенгаш қатнашчилари бўлиб ўтган воқеаларнинг турли жиҳатларини таҳлил этибгина қолмай, шу билан бирга безори гуруҳларнинг аҳоли бир қисмининг мутлақо монелигисиз ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг пассивлиги шароитида ур-йиқит қилишларига имкон берган ижтимоий муҳит ва сабабларни ҳам таҳлил қилдилар.

13 июнь куни эрталаб Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, Р. Н. Нишонов Фарғона яқинида бир неча минг месхети турклари лагери бўлиб қолган ўқув полигонига бордилар.

Н. И. Рижков турк аҳолиси шу қисми маҳаллий комитетининг аъзолари ҳузурида гапириб, партия ва мамлакат раҳбарияти, М. С. Горбачев Фарғона областидаги воқеаларнинг боришидан жуда ташвишланаётганликларини таъкидлади. Улар безорилар қўлидан ҳалок бўлганларнинг оилаларига ва барча жабрдийдаларга астойдил ҳамдардлик билдирдилар. Фожиа ҳеч қаерда такрорланмаслиги ва одамлар ўзларини хавф-хатарсиз сезишлари учун имкони бўлган ҳамма ишлар қилинмоқда. Месхети турк аҳолисининг ўз тарихий Ватанига қайтиш тўғрисидаги истакларини қондириш имконияти ўрганиб чиқилади, бу кичик халқ бебошлик ва бедодлик йилларида ҳеч бир асоссиз ўз юртидан сургун қилинган эди. Бу масалани кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Миллатлар Советида махсус комиссия тузиш назарда тутилмоқда, бу комиссиянинг ишида барча манфаатдор томонларнинг вакиллари қатнашишлари лозим бўлади.

Энг оддий социал турмуш шароитлари бўлмаган лагерда кўп кишининг, айниқса болалар, кексалар ва аёлларнинг бундан буён туришига имкон йўқлиги сабабли уларга ихтиёрийлик асосида ғуж бўлиб жойлашиш учун РСФСРнинг бир қанча областларига вақтинча кўчиб боришни таклиф этишга қарор қилинди.

Месхети турклари маҳаллий комитетининг вакиллари бошларига тушган кулфат оқибатларини тугатишда берилаётган эътибор ва ёрдам учун, уларнинг миллий эҳтиёжлари ва ўзига хослигини сақлаб қолиш муддаоси тушунилганлиги учун чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Улар мамлакатдаги ижтимоий турмушни янгилаш жараёнини маъқуллаб, шу кичик халқ бошига тушган оғир синовларга қарамай, Совет давлатига ва унинг раҳбариятига ишонч билан қараётганликларини, уларнинг овози олий ҳокимият органларида эшитилишини хоҳлашларини айтдилар.

Сўнгра лагерда бўлган кўп кишилик митингда Н. И. Рижков, месхети турклари маҳаллий комитетининг раиси Алиев ва комитет аъзоси Фазилова сўзга чиқдилар. Митинг қатнашчилари адолат ва қонун тантанасига ишонч билдириб, тўполончиларнинг жиноий группаси ўзбек халқи эмаслигини, месхети турклари қарийб ярим асрдан бери ўзбек халқи билан тинч ва иноқ бўлиб яшаганликларини айтдилар.

Одамларни лагердан кўчириш давом этмоқда.

* * *

Бу ердаги одамлар яқинда бўлиб ўтган фожиали воқеаларни Ўзбекистон ҳаётидаги қора саҳифа, деб атамоқдалар. Бу воқеаларда коммунистлар қандай роль ўйнадилар, қон тўкилаётганида улар қаерда эдилар, фавқулодда вазият юз берганида республика партия ташкилоти нечоғлик жанговар ҳолатда бўлди? Андижон область партия комитетида сўз шу ҳақда борди. Республика бўйлаб сафарини давом эттираётган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижков ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари В. М. Чебриков 14 июнь куни область активлари билан учрашдилар.

Ана шу барча саволларга ҳамма нарса батафсил ўрганиб чиқилганидан кейингина жавоб бериш мумкин, деди Н. И. Рижков. Бунинг учун вақт керак, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ айрим тафсилотлар ойдинлашди. Масалан, тўполонда айрим партия ва совет ходимлари иштирок этганлиги эндиликда маълум бўлиб қолди. Мен, деб таъкидлади СССР Министрлар Советининг Раиси, безориларни бензин ва транспорт билан таъминлаган, ғўр ёшларга арақ қуйиб берган одамларни Фарғона яқинидаги қочоқлар лагерига олиб келишни истар эдим. Мен уларни бегуноҳ одамларга жавоб беришга мажбур этишни истар эдим. Ҳаётимда кўп нарсаларни кўрганман, аммо кеча месхети турклари лагерида кўрганларимни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди.

Қотиллар ва зўравонлар ўз жиноятлари учун қонун олдида жавоб берадилар. Аммо, партия обрўсига, ўзбек халқининг қутлуғ шанига доғ туширган коммунистлардан алоҳида жавобгарлик талаб қилинади.

Халқ ҳаётидаги ана шу қора саҳифани ёпиш керак, деб таъкидлади Н. И. Рижков. Бунинг учун партия активлари нима қилишлари лозим? Ҳозир коммунистларнинг ўрни кабинетда эмас, шаҳар даҳаларида, қишлоқ кўчаларидадир, улар халқ билан, оқсоқоллар билан, мушкул кезда донолик ва мардоналик билан иш кўрган собиқ афғонистонлик жангчилар ўртасида бўлиши керак.

Андижон областида яшаётган месхети турклари оилаларини бебошлик қуюни четлаб ўтди. Шу оилалар ўз уй-жойида яшаши, республика халқларининг кўп миллатли оиласига мансуб бўлган ўзбеклар, руслар, татарлар, хуллас, барчанинг бошига бошбошдоқликдан жабр кўрган кишиларнинг қисмати тушмаслиги учун коммунистлар ҳамма ишларни қилишлари керак. Ўзбекистон партия ташкилоти жиддий хулосалар чиқариб олиши шарт. Катта мафкуравий ва тарбиявий иш зарур, миш-мишларга барҳам бериш, одамларни келажак учун қўрқувдан халос этиш лозим.

Фожиали воқеалар муносабати билан республика социал-иқтисодий тараққиёти муаммолари, жумладан, меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш муаммолари хусусида гапирилди. Республикани 2000 йилгача бўлган даврда социал-иқтисодий ривожлантиришнинг яқинда қабул қилинган программасида янги корхоналар қуришни жадаллаштириш, демак, қўшимча иш жойлари бунёд этиш ҳам назарда тутилган.

Область партия комитетидаги суҳбат Н. И. Рижков ва В. М. Чебриковнинг Андижон областига ташрифига бамисоли якун бўлди. Сафарнинг учинчи куни улар Олтинкўл районидаги М. И. Калинин номли колхозга ва Андижондаги кўп профилли шаҳар болалар касалхонасига бордилар.

Турли миллатга мансуб бўлган кишилар Сиёсий бюро аъзолари билан суҳбатда Ўзбекистондаги воқеалар хусусида ачиниб ва ғазабланиб гапирдилар, безориларнинг инсон шанига номуносиб хатти-ҳаракатларини кескин қораладилар. Андижон меҳнаткашлари областда шунга ўхшаш воқеаларга йўл қўймаслик учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз, деб ишонтирдилар. Улар месхети турклари нинг тақдирини сўраб-суриштирдилар, тинчликпарвар ва меҳнаткаш ана шу халқ ҳақида меҳр билан гапирдилар.

Уй-жой ва қариндош-уруғларидан ажралиб қолган ана шу ночор одамлар ваҳшийлашиб кетган разилларни қаҳр-ғазаб билан қоралаётган бўлсалар ҳам, ўзбек халқи шанига ёмон гап айтишаётгани йўқ, деди Н. И. Рижков, энг асосийси, биз ана шуни ҳис этдик. Турклар илгари бўлганидек ҳозир ҳам ўзбекларни ўз қўшнилари деб билмоқдалар, 40 йилдан кўпроқ муддат ичида улар нону насибани баҳам кўришди. Вазиятнинг мураккаблиги оммавий ахборот воситаларининг алоҳида диққат-эътиборини талаб қилади, деб таъкидлади у. Матбуотнинг хабарлари тўғри ва холис, ҳар бир сўз пухта ўйланган бўлиши керак. Эҳтиётсизлик билан айтилган гаплар вазиятни мушкуллаштириши мумкин, холос.

Андижондан кейин йўл Наманганга тушди, бу ерда месхети турклари билан кўп киши қатнашган яна бир учрашув бўлди. Вакиллар безориликка йўл қўйишмагани учун область ва шаҳар ҳокимият органларига миннатдорчилик изҳор этдилар. Айни вақтда улар камсонли турк аҳолисининг бундан буёнги қисмати ҳақида жуда ташвишланиб гапирдилар. Айрим вакиллар шаҳарда комендантлик соати жорий этишни сўрадилар, бошқалари эса Ўзбекистондан ташқарига кўчиришни талаб қилдилар, жиноятчилар устидан ибрат бўладиган очиқ суд ўтказилишини талаб қилдилар.

Н. И. Рижков сафар натижаларини таҳлил қилди. У ҳис-туйғуларга берилмасликка, сабр-тоқатли бўлишга, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ҳамда бу дўстликни игвогарликлардан асрашга даъват этди. СССР Министрлар Советининг Раиси месхети турклари нинг жўн бўлмаган миллий масаласини ҳал этишга ёрдам берадиган сиёсий тадбирларга диққат-эътиборни қаратди, ҳукумат уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча тадбирлар кўришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Кечқурун Н. И. Рижков ва В. М. Чебриков Тошкентга келдилар.

(ТАСС — ЎзТАГ).

Н. И. РИЖКОВнинг

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

Биз Ўзбекистонга сўнгги вақтда пайдо бўлган муаммоларни шу ернинг ўзида аниқлаш учун келдик.

Аввало, месхети турклари жойлашган лагерга бордик, бошпанасиз, уй-жойсиз қолган ёки уй-жойини ташлаб чиқиб кетган кишилар ана шу ҳарбий полигонда паноҳ топдилар.

Халқ биз билан музокаралар олиб боришга вакил қилган комитет аъзолари билан суҳбатлашдик. Бу музокаралар жуда оғир кечди.

Ҳозир, чамаси, ўзил-кесил хулосалар чиқариш қийин. Бу бемаҳал чиқарилган хулосалар бўлур эди. Жараёнларни теранроқ таҳлил этиш, энг асосийси, сиёсий жиҳатдан таҳлил этиш керак: Республикада ўзи нима бўлди, тўсатдан бир неча кун ичида, яъни 23 майдан ҳозирги кунгача республикада жуда кескин ўзгаришлар бўлишининг боиси нимада, ахир, бу кескин ўзгаришлар фожиавий оқибатларга олиб келди-ку. Бошқа сўз тополмай турибман. Бу ҳақиқатан ҳам фожиали оқибатлардир. 45 йилдан буён ўзбек халқи билан иноқ яшаган халққа нисбатан тўсатдан муайян доиралар шу қадар душманлик қилишибди.

Шуни айтишим керакки, ана шундай фожиага қарамай, назаримда, оғир руҳий аҳволга, мушкул вазиятга тушиб қолган месхети турклари ҳар қалай ўзбек халқи ҳамиша кўрсатиб келган ҳиммат-мурувватнинг қадрига етмоқдалар.

Улар бугун биз ўзбек халқини айбламаймиз, буни ўзбекларга алоқаси йўқ, демоқдалар. Бу ўринда одамларнинг муайян гуруҳи иш кўрмоқда. Улар ҳукуматдан, партиядан, аслида бизни тўқнаштирган кишиларнинг ўзи кимлигини аниқлаб беринг, деб илтимос қилмоқдалар, биз ҳозир жуда мураккаб шароитга тушиб қолдик, деб таъкидламоқдалар.

Мен республикадаги бугунги аҳволга қуйидагича баҳо бермоқчиман: гарчи, 7—8 июнь кунларидаги сингари хатти-ҳаракатлар бўлмаса-да, Фарғона областида, ҳозир сиз билан биз гаплашиб турган Қўқонда ҳам вазият кескиндир. Ҳар қалай, ишончсизлик бор, одамлар месхети турклари бошига тушган кулфат бошқа миллатлар бошига тушиши мумкин, деб хавотирланмоқдалар.

Назаримда, энг хавфлиси шу. Одамларда бир-бирларига ишонч бўлиши лозим. Улар неча ўнлаб йил ёнма-ён яшашди ва ҳеч ким ҳеч қачон, миллатинг нима деб суриштирмади. Биз одамлар билан суҳбатлашдик. Иккита фабрикага бордик. Одамлар биз ҳеч қачон ким ўзбек-у, ким рус, ким қримтатари-ю, ким турк деб сўрамаган эдик, деб рўй-рост айтишмоқда. Биз ягона оила бўлиб яшаб келдик ва қўқисдан ана шундай воқеалар бўлди, дейишмоқда.

Ҳуқуқий жиҳатдан биз жуда жиддий хулосалар чиқаришимиз керак бўлади, албатта. Прокуратуранинг энг яхши терговчилари жалб этилиши керак, улар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир ҳодисани синчиклаб ўрганишга киришдилар.

Биз юз берган воқеага баҳо беришимиз керак. Ҳар ким қилмишига яраша жазоланиши керак, албатта. Аммо энг асосийси шуки, бу сиёсий масаладир. Содир бўлган жараёнларни таҳлил этиш лозим. Бир гуруҳ, боринги, бир неча юз ғўр йигитлар тўпланиб олиб, бир неча областни қон қақшатибди, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Назаримизда, бу ҳодисанинг илдизлари чуқур бўлиши керак.

Республика партия ташкилоти, бугун-эрта ўтказиладиган активлар йиғилиши, ниҳоят бу ҳодисаларга баҳо беради, деб ўйлайман. Ишончим комилки, коммунистлар Ўзбекистонда ана шундай ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келган сабабларни аниқлай оладилар.

Мен республикада содир бўлган воқеаларни жўн қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Шу воқеаларнинг юз беришига аста-секин олиб келган чуқур илдизлар бор.

Савол: ҳозир месхети турклари кўчирилмоқда. Кеча мен ўз репортажимда меҳнатсевар турк халқи, қаерга бормасин, қишлоқ хўжалигини, қишлоқни кўтаради, деб

(Давоми иккинчи бетда).

Н. И. Рижков ва В. М. Чебриков Фарғонада ЎзТАГ сурати.

Н. И. РИЖКОВнинг

Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан суҳбати

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

айтган эдим. Мен турклар ўша ерда муқим яшаб қолади, деб айтишни истамаганман. Фурсатдан фойдаланиб, месхети турклари вақтинча кўчиб кетмоқдалар, деб фикримни ойдинлаштириб қўймоқчиман. Бу халқни ўз Ватани — Грузияга кўчирилиш муаммоси қандай ҳал қилинади?

Н. И. Рижков: вазият қуйидагича қарор топмоқда. Узоқ вақтдан буён месхети турклари ўзлари бундан 45 йил муқаддам яшаган жойларга, яъни Грузиянинг муайян районларига кўчириш масаласини қўйиб келмоқдалар. Биз, бу масалани ҳал этиш осон эмас, бунинг учун сабаблар кўп, деб изоҳ бердик. Бунинг устига Грузияда ҳам муайян кескинликлар бўлди. Шунинг учун ҳам соддагина қилиб, келинг бу одамларни кўчирамиз, деб саволингизга жавоб бериб бўлмайди. Бу масалани Грузия раҳбарлари билан ҳал этиш лозим.

Олий Советнинг Миллатлар Советида махсус группа, комиссия тузмоқчи, мазкур комиссия манфаатдор республикалар билан биргаликда шу ишни амалга ошириши керак.

Бунинг учун вақт талаб этилади, албатта. Шунга аминмизки, бу масалани тез ҳал этиб бўлмайди. Аммо масала ҳал этилади.

Мутлақо равшанки, 18 минг кишини саратон жазирамасида, чодирларда, бирон-бир қулайликларсиз ана шу лагерда қолдириб бўлмайди.

Шундай вазият вужудга келдики, ёнма-ён яшаган месхети турклари билан ўзбеклар ўртасидаги ишончга дарз кетди. Яна шуни таъкидламоқчиманки, содир бўлган ҳодисада бутун ўзбек халқини айблаб бўлмайди. Россия Федерациясининг 8 области месхети турларини қабул қилишга рози бўлишди. Аммо турклар ғуж яшаш учун уч областга жўнатишни сўрашди.

Агар биз ҳозир одамларни РСФСРга олиб кетаётган эканмиз, бу вақтинчалик тадбирдир. Одамлар бирон-бир жойга муқим яшаш учун кўчиришни илтимос қилишларини тушуниб турибмиз, шунинг учун ҳам биз комитет билан учрашув чоғида ҳам, шундан кейин бўлган митингда ҳам бу вақтинчалик тадбирдир ва масала ҳал этилиши билан одамлар кўчиб ўтишади, деб яна бир карра тасдиқладик. Ҳозирча, бошқа илож йўқ. Болалар нормал яшашлари керак.

Позициямизни комитет ҳам, бутун халқ ҳам қўллаб-қувватлади.

Такрор айтаманки, содир бўлган ҳодисани пухта таҳлил этиш керак. Ишонч, осойишталик барқарор бўлиши лозим. Ўзбекистонда кўп миллат вакиллари яшайдилар. Ҳозир улар ўртасида муайян совуқчилик сезилмоқда. Шунинг оқибатида беихтиёр ишончсизлик уруғи сочилди. Бу ўтиб кетади, деб ўйлайман. Халқлар ўртасида бир-бирига катта ишонч, ҳурмат бўлган эди. Келажакда ҳам, чамаси менимча шундай бўлади. Биз бунга аминмиз.

(ЎзТАГ).

ЭЛГА МАНЗУР БУЮМЛАР

Жиззах шаҳридаги кулолчилик заводи коллективи кейинги пайтларда муайян ютуқларга эришмоқда. Бу ерда маҳсулот сифатини ошириш, таннархини арзонлаштириш борасида кўп иш қилинди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларига жўнатилянти.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Қўли гул ишчилар томонидан тайёрланаётган сопол лаганлар, косалар ва бошқа эсдалик буюмлари кўпчиликкга манзур бўлаётир. Завод коллективи бу йил маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида яна бир хайрли иш бошлади. Бу ерда ижара пудрати кенг жорий этилди. Ишчилар корхонанинг ҳақиқий хўжайинига айланишди. Зеро, ҳар бир кишининг оладиган даромади маҳсулот сифатига ҳамда пировард натижага боғлиқ. Натижа кутилганидан ҳам знёда бўлаётир.

Гулбаҳор Тошпўлатова билан Умри Ҳошимова заводнинг пешқадам ишчиларидан. Улар ойлик топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажариб, кўпчиликка ибрат бўлаётирлар. Юқорида Гулбаҳор Тошпўлатова билан Умри Ҳошимовани кўриб турибсиз. Пастда эса қолипловчилар иш устида.

М. ТОШМУҲАМЕДОВА.
У. ҚУШВОҚОВ суратлари.

ЯГОНА МАҚСАД

● Тамара Серасекова Фарғона пиллакашлик фабрикасида иш бошлаганига йигирма йилдан ошди. У бир неча йилдирки, бригадага етакчилик қилмоқда. Коллектив аъзолари ягона мақсад — маҳсулотнинг пировард натижаси учун астойдил тер тўкмоқдалар. Бригадада турли миллат вакиллари ҳамкорликда ишлаб, план ва топшириқларини ортиғи билан уддалашмоқда. Ўтган ой плани 109 процент адо этилди. Тайёрланган ипакнинг 58,9 процентн биринчи сортга қабул қилинди, 51,9 килограмм хом ашё иқтисод қилинди.

А. ҚУТБИДДИНОВ,
ишчи.

• Партия ходими минбари

САФИМИЗГА ҚАБУЛ ҚИЛДИК. КЕЙИН-ЧИ?..

«КАРШИСТРОЙИНДУСТРИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ВА ЁШ КОММУНИСТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТА ҚУРЯПТИ?

Эшбўри Қарши шаҳар партия комитети бюросидан чиқиши билан ҳамкасблари ёнига шошилди. Смена тугашига икки соат вақт қолганда устахонага кириб борди. Дўстлари унга пешвоз чиқишди.

— Табрикласак бўладими?

— Раҳмат сизларга, миннатдорман. Шу кундан эътиборан коммунистман.

Тракторчининг қувончи чексиз эди. Унга қўшилиб ҳамкасблари ҳам қувонишди, уни бирма-бир табриклашди.

...Мана, тўққиз йилдирки, Эшбўри Норқулов бирлашма ёрдамчи хўжалигида механизатор. Бу ерда меҳнат қилаётган слесарь, электр пайвандловчи, молбоқар, сувчи, шофер ва бошқа касб эгалари орасида ўз ўрни, обрў-эътибори бор. «Тракторчиман, бошқа ишлар менга тегишли эмас» дейдиганлар сирасидан эмас. «Т-28» тракторида экинларга ишлов беради, «Т-40» трактори рулини бошқариб ер ҳайдайди, бульдозерга ўтириб ер текислайди, зарур бўлганда транспорт тракторига тележка тиркаб, ун комбинатидан емиш олиб келади. Хуллас, у бажарадиган ишлар кўп.

— Эшбўри характеридаги самимийлик, инсонга хос энг яхши фазилатлар унга ҳурмат келтирди, — дейишди ҳамкасблари. — У оддий механизатор эмас, универсал ишчи, қирқ ҳунар соҳиби. Қандай топшириқ бўлмасин, кўнгилдагидек бажаради.

Э. Норқулов партия ташкилотига ариза берганида цех партия ташкилоти уни партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишга шошилмади. «Коммунист бўлиш учун яхши ишлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Жамоат ишларида ҳам актив иштирок этиш талаб этилади, — деб уқдирди цех партия ташкилотининг секретари С. Давлетова. Сўнг қўшиб қўйди. — Сал шошилмайлик. Конкрет жамоат топшириқларини бажаришда ҳам ўзини синаб кўрсин».

Ана шу маслаҳатга кўра, касаба союз группаси етакчиси вазифасида синовдан ўтказишди. Ҳамкасблари билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказадиган бўлди. Суҳбатлар жараёнида қўшимча социал муаммоларни ҳал этишга тўғри келди. Шаҳардан 25 километр узоқликда ишлайдиган одамлар учун ҳафтада ҳеч бўлмаса икки марта кўчма савдо дўкони келиб турса, турар жойларнинг ремонти амалга оширилса, чўпонлар учун қўшимча вагон-уйлар келтирилса, бу ерда ҳам гўшт маҳсулотлари, сариёғ сотиш ташкил этилса... Эҳ-ҳе, муаммолар қалашиб ётар эди. Касаба союз ташкилотчиси уларни ҳал қилишга киришди. Бирлашма раҳбарлари билан учрашди, партия комитетига кирди. Қўйилган масалаларнинг кўп қисми ҳал этилди.

Ёрдамчи хўжаликда жамоат чорвачилигини ривожлантириш, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштириш вазифаси қўйилган. Ана шу ишларни амалга оширишда Э. Норқулов бевосита иштирок этади. Бу ерда иш бошланган дастлабки кезларда атиги 7 бош чўчқа, ўнтача қўй бор эди. Айни кунларда қўй-қўзилар сони 150, чўчқалар сони 250 бошдан ошиб кетди. 80—100 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда. Тўғри, етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархи анча баланд. Лекин меҳнаткашлар учун ўтган икки йилда илк бор 28 тонна гўшт, 140 тонна қовун-тарвуз, помидор ва бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Икки қишловга етарли дағал хашак тайёрланди. Витаминли ун тайёрлаш йўлга қўйилди, чўчқахона жорий ремонт қилинди. Бу юмушларни ёрдамчи хўжаликнинг бутун коллективи амалга оширди. Э. Норқулов энг қийин дамларда ишга бош-қош бўлди, вақтини аямади, дўстларини ҳам ана шундай меҳнат қилишга даъват этди.

— Қайта қуриш дегани нима? — савол ташларди у ва ўзи вазминлик билан жавоб берарди. — Аввало дунёқарашимиз, ишга, бирбиримизга муносабатимизни давр талабига биноан тубдан ўзгартириш дегани. Номига ишга чиқиб, табелда қайд эттириб кетадиганлар катта хато қиладилар. Ҳаётимизга сингиб бораётган хўжалик ҳисоби, унинг ишчан механизмлари бўлган бригада, оилавий пудрат системалари онгини ва ўз ишини қайта қура олмаганларга шафқатсиз бўлади, уларни четга чиқариб қўяди.

Эшбўри ана шундай мулоҳаза юритиш учун фактларни ўзи ишлайдиган бригада, звено, ферма ҳаётидан олади. Бўш вақтларида, газета ва журналлар, КПСС Марказий Комитети Пленумлари материалларини синчиклаб ўрганади, билим доирасини бойитиб боради. Ўрта маълумотли, армия хизматини тугатган, катта иш тажрибасига эга бўлган, тўрт фарзанднинг отаси, механизатор учун кўп йиллардан бери эзгу орзу — коммунист бўлиш ана шундай қилиб рўёбга чиқди. У партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Кандидатлик муддати даврида унинг жамоатчилик фаолияти — агитаторлик иши янада сайқал топди. Ҳар бир ишда ўзи шахсий намуна кўрсатди. Ёрдамчи хўжалик мудири Н. Ем, цех партия ташкилоти секретари С. Давлетова, бирлашма бош директорининг ўринбосари Р. Ўроқов унга КПСС аъзолигига қабул учун тавсиянома беришди.

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан бери ўтган вақт ичида бирлашма партия ташкилоти бу соҳадаги нуқсонларга барҳам бериш билан бирга, ўз ишларини бирмунча қайта қуришга эришди. Кундалик ишимизда ана шу қарорга амал қилмоқдамиз.

Партия кўрсатмалари бирлашма партия комитети аъзолари, цех партия ташкилотлари етакчилари, бюро аъзолари, барча коммунистлар учун фаолият программаси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йили 7 киши партия аъзолигига кандидатликка, 4 киши КПСС аъзолигига қабул қилинди. Шу кунларда кандидатлик муддатини ўтаётган ремонт қурилиш участкасининг пардозловчиси Н. Ожиганова, шу участка ишчиси Ф. Алимов, 2-темир-бетон маҳсулотлари заводининг оператори А. Боймирзаев, уйсозлик заводининг қолипловчилари Б. Ҳайдаров, А. Шукуров меҳнатда ва сиёсий ҳаётда ўзларини кўрсатмоқдалар.

Бирлашма ёш коммунистлари меҳнатда намуна кўрсатиш билан бирга ўзларига билдирилган ишончни оқлаш йўлида ҳам изланмоқдалар. КПСС аъзолигига кандидат, пардозловчи Нина Ожиганова смена, ойлик планларини 110—115 процентдан адо этиб, жамоат ишларида ҳам актив қатнашмоқда. У бирлашма касаба союз комитетининг аъзоси, социал-маиший муаммоларни ечишда бевосита иштирок этади. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларни уй-жой билан, уларнинг фарзандларини болалар боғчаси билан таъминлашга яқиндан ёрдам бераётир.

Ишчи хизматчининг шароити етарли бўлса, унинг меҳнат самарадорлиги ошади. Умумхалқ бойлигига қўшадиган ҳиссаси кўпаяди. Нинанинг ҳамкасби Фахриддин Алимов ҳам партия аъзолигига кандидат ҳисобланади. У участка комсомолларининг етакчиси, бирлашма комсомол комитетининг актив аъзоларидан бири сифатида партия топшириқларини мунтазам бажармоқда.

Илгарилари қайси касб эгасини партияга қабул қилиш тўғрисида партия юқори ташкилотидан махсус кўрсатма олинар эди. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан сўнг бунга хотима берилди. Цех партия ташкилотлари, партия комитетининг бу борадаги ҳуқуқлари доираси кенгайди. Шошма-шошарлик билан партияга қабул қилишга чек қўйилди. Партия комитети қошида бўлажак коммунистлар билан ишлаш комиссияси фаолият кўрсатиб турибди. Унга партия комитетининг аъзоси, арматурачи Тоштурди Холлиева раҳбарлик қилмоқда. Партком аъзоларидан слесарь С. Петров, шофер У. Ёдгоров партия сафига кирувчиларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларини ўрганишга жиддий эътибор бермоқдалар.

Бирлашмадаги мавжуд 14 та цех партия ташкилотида партияга қабул қилишнинг икки йиллик системасига ўтилган. Бу борада 1-темирбетон маҳсулотлари, уйсозлик заводлари, ремонт-қурилиш участкасида анчагина тажриба тўпланди. Лекин ҳамма жойда ҳам бир хил йўл тутилмаяпти. Агар коллективда кўп йиллардан бери меҳнат қиладиган, ҳар томонлама синовдан ўтган кишилар бўлса, уларни икки йиллик синовдан ўтказиш шарт эмас. Масалан, уйсозлик заводида катта ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган бетон қоришмаси тайёрлаш участкасининг бошлиғи Р. Тен, оператор А. Боймирзаев ва қурилиш участкасидан Н. Ожиганова каби фидокор ишчи-хизматчилар узоқ синаб ўтирмасдан КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар.

Ҳозир бошланғич ташкилотларда ўтказилаётган коммунистлар аттестацияси ҳам партияга қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашда йўл қўйилаётган нуқсонларни тугатишга ёрдам бермоқда. Аттестация комиссияси моддий-техника таъминоти идораси, 60-механизациялашган кўчма колонна, автокорхона цех партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти фаолияти бўйича қабул қилган қарорини бажариш талаб даражасида эмас, деган хулосага келди.

Шу боис биз барча коммунистлар қатори партия сафига қабул қилинган ҳар бир ёш коммунист билан ҳам якка тартибда иш олиб боряпмиз, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз. Коммунистларнинг ўз иши, партия ташкилоти фаолиятини янада яхшилаш, активлаштириш, мавжуд камчиликларни тугатиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳам чуқур ўрганилмоқда. Шу борада амалга ошираётган барча тадбирларимиз ҳар бир партия аъзосининг жамиятимизни революцион ўзгартириш учун актив курашчи бўлишига, партия сафларининг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Р. ҚОДИРАЛИЕВ,
«Каршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари.

• Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИГА ИНТИЛАДИ

ЕКИ ОҒИР САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ТАЙЁРЛАШ ҚУЛАМЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА ТЎПЛАНГАН ДАСТЛАБКИ ИБРАТЛИ ТАЖРИБА ҲАҚИДА

Қояга чиққунгача ҳам не-не қийинчиликларни босиб ўтиш муқаррар. Масалан, яқин-яқинларда ҳам оғир саноат корхоналарини халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ўргатиш қийин кўчарди. Бунинг турли сабаблари бор. Кўпчилик корхоналар учун асосий маҳсулот билан бирга халқ истеъмоли моллари тайёрлаш малол келарди. Очиғи, кўпинча бунга шароит ва имконият ҳам етишмасди.

Энди аҳвол ўзгарди. Бироқ ялпи хулоса чиқаришга ҳали эрта. Шундай корхоналар ҳам борки, улар халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш асосий фаолиятга кирмагани учун бу ишга вақтинчалик, иккинчи даражали иш деб қарашади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида Иттифоқ ихтиёридаги 59 та корхонадан 26 тасида иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига 10 тийинлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётгани шуни кўрсатиб турибди. Яқинда бўлиб ўтган шаҳар Совети сессиясида бу борадаги аҳвол очиқ-ойдин таҳлил этилди. Ҳозир Тошкентдаги 14 та корхонада иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига 10 тийиндан 14 тийингача, 10 корхонада эса 20 тийиндан 30 тийингача, 9 корхонада эса 40 тийиндан 50 тийингача халқ истеъмоли моллари тайёрланяпти, холос. Албатта, бу қаноатланарли эмас.

Ийрик машинасозлик корхоналаридан бири — «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўрайлик. Шу йил февраль ойи охирида бирлашмада кўргазма ташкил этилди. Унга қўйилган маҳсулотлардан шу нарса маълум бўлдики, бирлашма ҳозир 60—75 от кучига эга пахтачиликка мўлжалланган тракторлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун зарур маҳсулотлар билан биргаликда, корхона тайёрлаяпти. Албатта, тракторлар ишлаб чиқараётган бу корхона учун булар «майда нарсалар». Бироқ сиз билан биз бугун бу бирлашма халқ хўжалиги учун қанча трактор (ёки прицеп) тайёрлаб беряпти, дейиш билан бирга қандай халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун асосий маҳсулот ҳисобланмаган халқ истеъмоли молларидан намуналар ҳам қўйилган.

Корхона халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш бўлими бошлиғи Олег Борисович Колушев билан мулоқотдан маълум бўлдики, бу ерда партиямиз қўяётган юксак талабларга яраша иш олиб бориш учун ҳамма имкониятлар бор. Масалан, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш билан шуғулланувчи алоҳида бўлим тузилгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Махсус «Конструктор» бўлими аҳолининг дид ва эҳтиёжлари ҳамда савдо ташкилотларининг талаблари асосида халқ истеъмоли моллаларининг турларини кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқяпти. Корхонанинг рўзғор учун тайёрлаётган буюмлари — қисқич, қайчи, стол, кресло, йигма каравот, боғ ва полиз анжомлари, уй учун мосланган спорт комплексларини аллақачон аҳоли севиб харид қиладиган бўлиб қолди.

— Ҳозир неча хил маҳсулот тайёрлаяпсиз?

— Қирқ хилга яқин, аниқроғи 38 хил.

Олег Борисович кейинги йилларда корхона халқ истеъмоли моллари тайёрлашни кўпайтириш, уларнинг хилларини ошириш, сифатини яхшилашга оид факт ва рақамларни «қалаштириб» ташлади. Аммо газетхонни энг қизиқтирадиган нарса — харидоргир моллар ва уни ишлаб чиқариш миқёслари. Корхона болта, пичоқдан тортиб шлангларгача қаряпти, деб сўрашга ҳам ҳақлимиз. Чунки партиямиз экономикани социал мақсад томон юз ўгиришга даъват этмоқда.

Бўлим мутахассислари олдида қандай вазифалар турганлигини аниқ-равшан тасаввур этиш мумкин. Бу — ҳар бир сўмлик иш ҳақи фондига бир сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришишдир. Албатта, бу — олий мақсад. Хўш, ҳозир аҳвол қандай, дейишингиз мумкин. Ўтган йили ҳар бир сўмлик иш ҳақи фонди ҳисобига 42 тийинлик буюм тайёрланган эди. Бу йил бирмунча ўзгариш бор: 60 тийинданга тўғри келяпти. Аммо бунинг нисбатан камлиги аниқ кўриниб турибди.

Бу масала корхона маъмурияти ва партия ташкилотини аниқ-пухта тадбирлар ишлаб чиқишга ундади. Натижада аввал ҳар бир сўмлик иш ҳақи фонди ҳисобига бир сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлашга эришишга 1995 йил асосий марра қилиб белгиланганди. Аммо корхонада «отни қамчилаш» зарурлиги аён бўлиб қолди. Аҳоли ўсишини, унинг талаб-эҳтиёжлари ошиб боришини ҳисобга олсак, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ҳали қаноатланарли эмас. Масалан, биргина Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Тошкентдаги корхоналарида ўсиш суръати умуман кўзда тутилган комплекс программа топшириқларидан ҳали икки баравар ортда экан. Демак, асосий иши истеъмол буюмлари тайёрлашдан иборат корхоналарда аҳвол шундай бўлгач, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш «ёрдамчи иш» ҳисобланган йирик саноат корхоналарини қўяверинг. Биз буни Иттифоқ даражасида эришилган ютуқлар билан таққосласак, ер билан осмонча фарқни кўришимиз мумкин. Бирлашмада, буни жуда яхши тушунишади. Шунинг учун кенгашиб, 1995 йилда эмас, балки 1993 йилда ҳар бир сўмлик иш ҳақи фонди ҳисобига бир сўмлик миқдорида буюм тайёрлашга эришишга қатъий аҳду паймон қилинди!

Ҳозир корхонада «Трактор» кооперативи ишлаб турибди. Бирлашманинг ўзида ишлаб чиқарилаётган рўзғорбоп буюмлар ўтган йилдан бошлаб бир қисми эркин савдога чиқарилди. Натижа чакки бўлмади. Ижарачилар бирлашма маъмурияти, меҳнат коллективининг кўпдан-кўп истакларини ҳисобга олиб, шундай хайрли ишга қўл урганидан мамнун бўлмоқдалар. Улар йилига бир миллион сўмлик ҳажмида халқ истеъмоли молларини харид қилмоқдалар.

Бирлашманинг халқ истеъмоли моллари тайёрлаш бўлими материал таъминоти узлуксиз бўлиши ҳақида ҳам жон куйдиряпти. Муаммолар оз эмас. Ҳали қувватлар, ускуна ва дастгоҳлар, ҳатто ишлаб чиқариш майдонлари етишмайди. Сабаби — биз юқорида айтиб ўтган асосий нуқсон — узоқ йиллардан буён асосий маҳсулот — трактор ишлаб чиқаришдан бошқа нарса ҳақида кўп бош қотирилмаганидир. Энди бу ҳақда астойдил ўйлаш, изланиш, имкониятларни топишга тўғри келяпти.

Корхона жуда катта. Шу беш йилликдаёқ у юз от кучига эга янги туркумдаги машиналар тайёрлаши керак эди. Аммо янги техникани ўзлаштириш мавжуд имкониятга қараб 1991—1992 йилларга қолдирилди.

Бунинг устига халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга янги майдонлар керак. Бирлашма тегишли министрликлар олдига ўз муаммоларини дадил қўйди. Холис айтиш керак, министрлик фақат «бер-бер» дейдиган одатлардан қатъий воз кечиб, тегишли шароит ва имконият яратиб беришни ҳам ўйлайдиган вақт аллақачон келган! Ҳозир корхонада халқ истеъмоли моллари қийинчилик билан юзага келяпти. Бу иш кўпинча иккинчи ва учинчи смена ҳиссасига тўғри келяпти.

Корхона эркин савдога чиқиши муносабати билан «омади юришиб» бормоқда. Тракторлардан шахсан фойдаланиш учун ижарачилар уларни бажонидил харид қилмоқдалар. Кооперативлар учун прицеплар ҳам тайёрлаб берилянти. 18-цехда шоферлар ва санитария-техника хизмати ходимлари учун шланглар тайёрланмоқда. Ҳолбуки цехда кўп металл, резина ва бошқа материаллар илгари чиқитга чиқиб кетардй.

Авваллари бу ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Цехда трактор ва прицеплар учун юзлаб майда-чуйда деталлар, қисмлар ишлаб чиқарилаверди. Мана энди йстеъмол буюмлари тайёрлашнинг йўллари ҳам топилди. Эндиликда корхона маҳсулотлари жуда харидоргир бўлиб қолгани қувончли ҳол. Фақат шу йилнинг ўзидагина 16,5 миллион сўмлик шундай буюмлар тайёрлашга ҳаракат қилинянти.

— Қояга чиққан чўққига интилади, дейишади. Беш йиллик охирига борйб аҳвол қандай ўзгаради? — сўрадик Олег Борисовичдан.

— Мақсад — 25 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрлаш,— лўнда жавоб берди у. — Ҳали яна олдимизда катта чўққилар турибди!

Корхонада бир ярим мminг кишини ўзига бириктирган ўнлаб бригадалар кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш билан банд. Маҳсулот ассортименти йил сайин кенгайиб борянти. Ахир, 1985 йилда бор-йўғи 7 хилдаги истеъмол буюми тайёрланар эди. Ҳозир эса 40 га яқин!

Балки корхонада яна қандай янги моллар тайёрланиши қизиқтирар. Марҳамат: автомобиллар учун мосламалар, уларга ярим прицеплар ишлаб чиқариш мўлжалда турибди. Ҳозирча корхона маҳсулотларига рекламациялар тушаётгани йўқ. Аммо ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Металл қирқиш дастгоҳларини олиб кўрайлик. Улар ҳозирги суръат учун камлик қилади. Еки эскириб кетган ускуналар ҳам оз эмас.

Кўпминг кишилик трактор-созлар коллективи ҳар нарсага қодир... Биз уларнинг бу муаммоларни ҳал этиб, янги чўққиларни забт этишига ишонамиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Совет ҳукуматининг Баёноти

Маълумки шу йил 5 июнда Аддис-Абебада Эфиопия Халқ Демократик Республикаси Миллат мажлиси (шенго)нинг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия ана шу мамлакат олдида турган энг долзарб масалалардан бири — Эритрея муаммосини кўриб чиқиш учун чақирилди. Бу муаммонинг ҳал этилмагани Эфиопия шимолида кўп йиллардан буён давом этаётган урушнинг сабабидир. Сессия Эритрея масаласини сиёсий йўл билан ҳал қилиш юзасидан муҳим, аниқ-равшан ташаббус билан чиқди. Бу ташаббуснинг моҳияти шундаки, олдиндан ҳеч қандай шарт қўймай, расмий равишда, ошкора музокара бошлаш тўғрисидаги таклиф билан оппозициячи ташкилотларга мурожаат қилинди.

Совет Иттифоқидагилар ЭХДР қонун чиқарувчи олий органининг бу қарорини давлат миқёсидаги доно тадбир, Эфиопия тақдири учун юксак масъулият кўриниши деб табриклямоқдалар. Бу — Эритреяда ўт очишни тезроқ тўхтатишга, ҳукумат билан оппозициячи ташкилотлар ўртасида музокара столи атрофида мулоқот бошлашга, Эритрея масаласини демократик, адолатли ҳал қилишга йўл очиб берадиган муҳим қадамдир.

Бошқа томон ҳам шу йўналишда амалий қадам қўйиши керак. Шуни дадил айтиш мумкинки, Аддис-Абебанинг Эритрея ташкилотларининг кўпгина истакларини ҳисобга олиб қилган мурожаатига ижобий жавобни жаҳон жамоатчилиги ижобий кутиб олади. Бу соҳада соғлом реализм, мамлакат халқининг чинакам манфаатларини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Эфиопиянинг шимолидаги хунрезликни дарҳол тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини унда яшовчи барча халқлар манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш учун қулай шароит яратишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Иккинчи томондан, Эритрея муаммосининг ҳал қилиниши умуман мазкур регионда вазиятни нормаллаштиришга кўп даражада кўмаклашган бўлур эди.

Совет ҳукумати Эфиопия парламентининг тинчлик ташаббуси амалда рўёбга чиқишига ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканлигини билдиради. У ҳамма томонидан тан олинган яхши қўшничиликни, суверенитет ва территориал бутунликни ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида Африка Мугузида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан самимий манфаатдор бўлган томонларни худди шундай қилишга чақиради.

ОЛИЖАНОБ ВАЗИФА

МОСКВА. (ТАСС мухбири). СССР Олий Совети Президиуми номига Афғонистондаги совет ҳарбий асирларини қутқариш халқ комитетидан миннатдорчилик телеграммаси келди: Телеграммада, жумладан, бундай дейилади: «Москва, Ленинград, Владимир, Тольятти, Волгоград шаҳарларининг халқ комитетлари Афғонистондаги ҳарбий асирларни қутқариш ҳаракати номидан СССР халқ депутатлари съездига йўлланган «Съездга даъватнома»мизга ҳамда совет ҳарбий хизматчиларини озод қилиш учун дарҳол ҳаракат бошлашга даъватимизга съездда ўз вақтида жавоб қилинганлиги учун миннатдорчилик билдирди».

«Надежда» халқ комитетининг делегацияси эндиликда Совет ҳокимиятининг олий органи эълон қилган ана шу мақсадга эришиш учун афғон оппозициясининг бошлиқлари билан бевосита музокаралар олиб бориш мақсадида 17 июнда Покистонга учиб кетади. Делегация составида ҳарбий асирларнинг бир қанча шаҳарларда яшайдиган оналари бор. Қўйилган вазифани тезроқ бажариш мақсадида комитет ота-оналарга мурожаат қилиб, ҳарбий асирларнинг фотосуратларини қуйидаги адресга етказиб беришларини сўрайди: **Москва. Средне-Тишинский кўчаси, 5/7, Серафимович маданият уйи, «Надежда» халқ комитети. Телефон: 253-52-50.**

ФАРҒОНАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ВАЗИЯТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Оператив маълумотларга кўра, Фарғона областининг шаҳарлари ва аҳоли пунктларида вазият аста-секин яхшиланиб бормоқда. Пассажир автотранспорти, саноат, қурилиш, савдо ва маиший хизмат корхоналарининг иши аста-секин йўлга қўйилмоқда. Вазият қалтис бўлиб турган жойлар, оммавий тартибсизликлар, бошбошдоқлик ва ўт қўйиш ҳоллари камаймоқда.

Айни вақтда область марказидаги месхети турклари ташлаб чиқиб кетган икки уйга ўт қўйилгани 12 июнда қайд этилди. Фарғонада, бошқа шаҳар ва аҳоли пунктларида вазият зимдан кескин бўлиб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учта жасадни топдилар, улар қачон ўлгани ҳозирча аниқланганги йўқ. Ҳамон ишга чиқмаётган одамлар бор, миш-мишлар тарқалмоқда.

12 июнь куни соат 13 да қочоқлар лагери яқинидаги яланглиқда оммавий тартибсизликлар оқибатида ҳалок бўлган 19 месхети турклари дафн этилди. Кўчириш уюшқоқлик билан ўтди: самолётларда Россия Федерациясига жами 4961 киши, шу жумладан 1785 бола жўнатилди. 13 июнда жўнатиш давом этди. Воқеалар бошлангандан буён ихтиёрийлик асосида 7039 киши мамлакатнинг марказий районларига вақтинча кўчирилди.

Наманган областида кескинлик сусайди.

Тошкент ва Сирдарё областларидаги месхети турклари ўз хавфсизликларини ўйлаб ҳамон таҳликага тушиб турибдилар. Уларнинг кўпчилиги ишга чиқишмаяпти. Партия ва совет органлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Фарғона областидаги оммавий тартибсизликлар оқибатлари хусусида баъзи дастлабки маълумотлар олинди. Шу воқеалар бошланганидан буён 93 киши, жумладан 64 месхети турки, 17 ўзбек, 1 тожик, бошқа миллатларга мансуб 3 киши ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганлар орасида номи аниқланмаганлар — 8 киши, аёллар — 4 киши. Жами 1009 киши жабр кўрди. Шулардан 483 киши турк, 365 киши ўзбек, 16 тожик, 5 рус, 3 татар, 1 армани, 1 грек ва 145 таси — бошқа миллатларга мансуб кишилардир (уларнинг миллати аниқланмоқда). Бундан ташқари 194 ҳарбий хизматчи жароҳатланди.

870 объект, жумладан 654 уй, 168 транспортга ўт қўйилди. 5861 дона қурол тортиб олинди. Безорилик қилгани учун 432 киши, комендантлик соатини бузганлиги учун 1404 киши ушланди.

Водийда юз берган нохуш воқеалар оммани ташвишга солмоқда. Ҳамманинг хаёлида битта сўров. Юртимизда нималар бўляпти ўзи? Барчанинг дилида бир истак: хунрезлик бас қилинсин, тезроқ осойишталик ўрнатилсин!

Хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, ҳар ишнинг бошловчиси ва давомчиси бўлади. Бинобарин, ўша ишнинг савоби ҳам, гуноҳи ҳам бошловчининг зиммасига тушади. Фарғона фожиасини ким бошлаб берди? Унинг шу қадар шафқатсиз давомчилари кимлар? Бунинг сабаби нимадаю унинг оқибати қаергача боради?

Унинг сабабчилари расмий ахборот воситаси нотўғри талқин қилганидай бангилар, наркотиклар хуружида эмас, балки чуқурроқ муаммоларда бўлса керак. Бу воқеанинг илдизи чуқур, моҳияти ўткинчи миллий низо хуружидан кўра кўпроқ ечимини тополмай жамоани диққинафас қилиб турган иқтисодий муаммолар гирдобига бориб тақалади. Ҳазилакам фожиа юз бердими. Унинг қонли дафтари ақл бовар қилмайдиган даражадаги мудҳишликларга тўлиб тошяпти: ўлган, ўлдирилган, ярадор қилинган, ўтдан, сувдан жароҳатланган одамлар рўйхати фронтдаги қаттиқ жангларнинг қонли воқеаларини эслатяпти. Куйиб кул бўлган уйлар, қоп қора мўриларидан чиқаётган мунгли нидолар, тул қолган келинларнинг фарёди, етим қолган гўдакларнинг ўртанган ноласи уруш олови ямлаб ўтган жойларни эслатиб турибди ва бу қалбимизни баттар ўртамоқда.

Қурбон бўлган кишилар кечаги қўни-қўшни, кечаги дўст-биродарлар, улфатлару ҳамкасблар эдилар-ку. «Босар-тусарини билмай қолган уч-тўртта месхетли ва фарғоналик жўжахўрозлар патидан ўт чиқди» деяптилар. Ахир, бургага ўчакишиб, яктакни ўтга ташлаб бўладими! Фарғонада бургага ўчакишиб ўтга ташланган яктак қуйиндисидан бутун бошлиқ ўрмонга ўт кетди. Маълумки, ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ баробар...

Дўппини ерга қўйиб инсоф ва идрок ила чуқур ўйлаб кўрайлик: хунрезликдан ҳеч ким, ҳеч вақт — на эллар, элатлар, тажовузчилару, тажовуз майдонлари, голиблар-у, енгилганлар манфаат кўрган эмас, аксинча, не-не шаҳарлар вайрон бўлиб, бутун-бутун халқлар қирилиб, зўр-зўр мамлакатлар, империялар йўқ бўлиб кетган. Хунрезликнинг катта-кичиги йўқ — ҳаммаси бир гўр. «Пичоқни аввал ўзингга ур» дейдилар. Жон ширин. Бошқанинг ҳам жони сеникидай. Ўз фарзандингни ўша чириллаб қолган етимлар ўрнига қўйиб боқ. Ўз севимли ёрингни ўша фарёд чекаётган келинчак ҳолатида кўр. Фарзандидан жудо бўлиб қақшаётган онаизорлар оҳи-ноласига қулоқ сол. Сўнгра, қилмишингга ўзинг баҳо бер.

Ёндирилган бинолар шаҳарларимизнинг кўрки бўлиб, уларда ёнган чироқ сен юрган кўчаларга нур сочиб турарди. Ҳовлида ўсган дарахт сенинг ҳовлингга ҳамсоя ташлаб турар, меваси пишиб сенинг ҳовлингга ҳам тўкилар, ундан сен ҳам баҳраманд эдинг. Сен ёндирган бинолар, у кимники бўлишидан қатъи назар, миллий бойлигимиз бўлиб, бир учи сенинг ҳам мулкинг, бойлигинг эди.

Яралар битиб кетади. Тиббиётимиз бунга гаров. Вайроналиклар ҳам тикланади. Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас. Аммо ҳалоқ бўлганларни қайтариб бўлмайди. Ёмони шунда. Бева қолган, етим бўлганлар ҳам бир кунини кўриб кетади. Уларнинг меҳрибон совет давлати бор. Бироқ бир нарсани унутиш қийин. Халқимизнинг покиза шанига доғ туширган шахсларнинг гуноҳини унутиб бўлармикин.

Бўлар иш бўлди, дейишга оғиз бормаяпти. Аммо ноилож-миз, охири бахайр бўлсин дейишга мажбурмиз. Буёғи инсофли, идрокли бўлсин. Жабр кўрган одамлар ҳам, холис кишилар ҳам шуни истаяптилар.

Эҳтиёт чора мақсадида бир майдонга жамланган месхети турклари оқсоқолининг гапини эшитдим. У барча маслакдошлари номидан ўзбек халқига доно мурожаат қилди. Қирқ беш йилдан бери уларга бошпана, нон-туз бериб, меҳрибонлик кўрсатган ҳамкор, ҳамжиҳатликда тотув яшаб келган ўзбек халқига миннатдорчилик билдирди. «Бўлиб ўтган нохушликлар учун айб биздан ўтган бўлса — ўзбек оға-иниларидан бизни авф этсинлар. Мабодо, айрим ўзбеклардан ўтган бўлса — биз кечирдик. Ўртадаги адоватни унутиб яна иттифоқ бўлайлик!» деди.

Жуда ақлли, айни муддаодаги гап! Можарода иштирок этаётган ўзбеклар ҳам худди шундай йўл тутишлари, халқимизга хос андишага бориб адоват-гиналарни, ножўя ҳаракатни бас қилишлари, бағри кенглик билан доно иш тутишлари керак. Кек сақлаш, ўч олиш ўзбекнинг хусусиятида мутлақо йўқ. Ўзбек халқи аччиқни ютиб юбора оладиган, кечира биладиган халқ. Бу сафар ҳам узилган ипни улай билишига аминмиз.

Кичик можаронинг катта фожиага айланиб кетиш сабабларига келганда ҳам чуқур ўйлаб, етти ўлчаб бир кесадиган тарзда мулоҳаза юритиш жойига ўхшайди. Ижтимоий ҳаётимизда йиғилиб қолган муаммолар, ноҳақликлар аста-секин қаердан ёриб чиқишини билмай турган эканми, кичкина баҳона билан портлаб кетгандай бўлди. Шундай қилиб кўпдан ҳал қилинмаётган муаммо масалалар қўндаланг бўлди. Бу ҳақда жамоат арбоблари, партия ва совет ташкилотлари, раҳбариятимиз қайғурмоқдалар, чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширмоқдалар. СССР ҳукуматининг бошлиғи Н. Рижков ва Марказий Комитет секретари Чебриков ўртоқларнинг Ўзбекистонга келиши бежиз эмас. Ўйлаймизки, улар кўпгина иқтисодий-сиёсий муаммоларимизни ҳал қилиб берадилар.

Ҳозир ақл-хушни йиғиб олиб, инсофга кириб, идрок ила иш кўрадиган пайт келди. Андишасиз гаплар, зарарли ҳаракатлар, айниқса, ғаразли, душманона жоҳиллик, хунрезлик тўхтатилиши зарурдан зарур, савоб иш бўлиб қолди. Мен водийдошларимни, айниқса ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон ёшларни осойишталикка чақираман. Инсофли, андишали, дид-фаросат билан, бағри кенглик билан иш кўрувчи ҳамишали одамохун улуғ халқимиз покиза шанига қора доғ туширмасангиз, деб илтижо қиламан!

Иброҳим РАҲИМ.

ИНСОФ ВА ИДРОК



Елғон-яшиқ гапларга ишонганлар саросимага тушиб, кўчакўпкорларини йиғиштира бошладилар. Шулар орасида Янгийўл районидаги Калинин номли колхоздан Амирхоновлар оиласи ҳам бор эди...

Оила бошлиғи Мидроб Амирхонов, ўғли Умар ва келини Гулгазхон қадрдон колхозига қайтиб келишди.

СУРАТДА: Янгийўл шаҳар партия комитети инструктори А. Ҳожимуҳамедов ўз уйига кўчиб келган оила аъзоларини билан суҳбатлашмоқда.

М. НАЗАРОВ сурати.

ОЛТИН ЎТДА СИНАЛАДИ

Фарғона кўчаларида ҳамон ички ишлар қўшинлари солдатларининг постлари ишлаб турибди. Шаҳар узра ора-сира вертолётлар парвоз қилади. Лекин вазиятнинг бир қадар юмшаганлиги ҳар қадамда сезилади. Кўчалар яна илгаригидай гавжум. Ўз болаларини бамайлихотир боғча-яслиларга етаклаб кетаётган ота-оналар кишига қанча қувонч бахш этади! Корхона ва ташкилотларда ҳам ишлар одатдаги маромга тушиб қолди. Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳарда юз берган тўполонлар туфайли бир мунча зарар кўрди. 10 июнгача мана шу тўполонлар туфайли ҳам пландагига нисбатан 4 миллион 600 минг сўмлик товар маҳсулоти кам ишлаб чиқарилган эди. Ҳозирги кунда меҳнат коллективи кенгаши ва касаба союз ташкилотининг розилиги билан 10 соатлик иш режимига ўтилди. Ишчилар бой берилган имкониятларни қайта эгаллаш учун барча ишларни қилишмоқчи. 11 июнь куни корхонада пландан ташқари 5 минг метр ипак ишлаб чиқарилди.

Область қишлоқ хўжалигида ҳам иш тўхтаб қолгани йўқ. Далаларда гўза қатор ораларига ишлов бериш жадал суръатларда олиб бориляпти. Колхоз ва совхозларда пилла терими қизғин. Ҳозиргача ўнлаб хўжаликлар ғалаба рапортларини бердилар. Катта тартибсизликлар бўлиб ўтган Тошлоқ районида ҳам илк ҳосил терими бир маромда кетяпти. Район пиллакорлари бу йил 7825 қути қурт уруғини парвариш қилишган эди. Юз берган қийинчиликларга қарамай, тошлоқлик заршуносслар қабул пунктларига пландаги 500 тонна ўрнига 521 тоннадан ортиқ ҳосил етказиб бердилар. Ҳар қути қурт уруғи ҳисобига пландаги 63,9 килограмм ўрнига 66,6 килограммдан ҳосил тайёрланди. Қува ва Бувайда районлари ҳам давлатга қиймматбаҳо саноат хом ашёси етказиб бериш планларини адо этдилар. Давлатга пилла топшириш давом этяпти.

Ҳа, ҳаёт ўз изига тушиб боряпти. Аммо рўй берган воқеалар даҳшати ҳали одамлар онгини тарк этгани йўқ. Бугун турк қочоқлари яшаётган лагерга бордик. Лагерь атрофида юзлаб кишилар — ўзбеклар, руслар, татарлар ва бошқа миллат кишиларини учратиш мумкин. Улар ўз биродарлари бўлмиш месхети турклари ҳолидан хабар олиш, оғир кунларида ўз бирдамлигини изҳор қилиш, олис ўлкаларга кетаётганлар билан эса хайрлашиш учун келишган. Фарғона область ўлкани ўрганиш музейи ходимлари Р. Маматова ва М. Холиқовалар дугоналари Қундуз Гвараматзедан хабар олгани келишган. Кўп йиллар бир жойда ишлаган, бир-бирлари билан қадрдон бўлиб кетган бу аёлларнинг хайрлашув олдидаги ҳолатларига бефарқ қараш қийин... Улар ўзаро муносабатларни ҳеч қачон узмасликка аҳд қилишди. Бундайлар жуда кўп. Турк ва ўзбек халқлари орасидаги 45 йил давомида мустаҳкамланиб кетган дўстлик алоқалари узилиб қолмайди.

Область бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар шу кунларда аҳоли орасида тушунтириш ишлари юргизиш, турли асоссиз миш-мишларга зарба бериш, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида бор ҳақиқатни рўй-рост айтиш учун катта оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар. Марғилон шаҳар партия комитети ҳузурида пропаганда-агитация отрядлари тузилган. Отрядларнинг аъзолари маҳаллаларда, уйларда, чойхона ва бошқа жамоат жойларида бўлиб, одамлар билан юзма-юз суҳбатлар уюштирмоқдалар. Ўзаро мулоқотлар давомида тўполонларнинг ташкилотчилари, уларнинг ғаразли мақсадлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Фарғона областида юз берган тўполонлар фавқулодда шароитларида кўпгина партия, совет ходимлари чинакам жасорат, партия ходимига хос фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Мана шу таҳликали кунларда партия ходимлари кўрсатган жасоратлар ҳақида ҳали кўп ёзишишга ишонамиз. Тошлоқ поселкасида қирғинбароз, хунрезлик авжига чиққан пайтда 600 нафардан ортиқ турк миллатига мансуб кишилар райком биносидан паноҳ топдилар. Райком биноси атрофини ўраб олган безорилар гуруҳи милициядa қамоқда ётган ўз шерикларини озод қилишни, акс ҳолда турклар қамалиб олган райком биносига ўт қўямиз дея талаб қилишди. Улар шундай қилишдан ҳам тоймас эдилар. Мана шу ғоят таҳликали, юзлаб одамларнинг жони қил устида турган пайтда райкомнинг биринчи секретари О. Собиров дадил қадамлар билан тўполончилар олдига чиқди.

— Мени гаров тариқасида олинглар! — деди у. — Лекин бинога ўт қўйманглар. Чунки бу ерда болалар, аёллар ва кексалар бор!

О. Собировни турткилаб, уриб машинага ўтқазишди. Қўлидаги соатини ечиб олишди. Безорилардан бири болта кўтариб, биринчи секретарга ташланди.

— Биринчини менга бер, мен уни ўзим чопиб ташлайман!

Хайриятки, у машъум ниятига эришолмади. Сергак милиция ходимлари фожианинг олдини олиб улгуришди. Лекин мард партия ходими ўз жонини фидо қилиб бўлса ҳам юзлаб кишилар ҳаётини сақлаб қолишга шай эди. Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Мамажонов жунбушга келган тўда йўлини тўсиб чиқди ва уларни бемаъни хуруждан қайтармоқчи бўлди. Шу аснода кимдир унга қараб ўқ узди. Шаҳарком котиби юзининг бир томони жазиллади... У ярадор бўлган эди. Тошлоқ район партия комитетининг иккинчи секретари В. Данилов, ижроком раиси А. Ҳожимуродовлар ҳам мана шундай қийин, хавфли дақиқаларда босиқлик, сабр-матонат, жасорат кўрсатдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Юзлаб оддий коммунистлар, партия ва меҳнат ветеранлари кўп жойларда оломоннинг олдини тўсиш, уларни ёмон йўлдан қайтаришга муваффақ бўлишди.

Ҳа, ҳали Фарғона фожиаларининг айбдорлари ҳақида, бор кучлари ва қатто ҳаётларини қурбон қилиб, хунрезликнинг кучайишига йўл қўймаган мард инсонлар — ҳақиқий коммунистлар ҳақида кўп ёзилади. Олтин ўтда синалади, дейдилар.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мен турк миллатига мансубман. Гарчанд Грузия ССРнинг Ахалцихи районидаги Свере қишлоғида туғилган бўлсам-да, Ўзбекистондек серқуёш ўлкада ўсиб-улғайдим, камол топдим.

Аввалига Андижон областидаги «Савай» совхозида яшадик. Кейин эса Қашқадарё областининг Китоб районидаги Куйбишев номли колхозга кўчиб келдик. Шу ерда А. Навоий номли ўрта мактабда ўқидим. Қарши давлат педагогика институти физика-математика факультетини битиргач, илмий иш билан шуғулланиб, 1970 йилда техника фанлари кандидати бўлдим. Илмий ишимга раҳбарлик қилган, беқиёс ғамхўрлик кўрсатган Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси марҳум Г. Е. Умаров, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Энергетика ва автоматика илмий текшириш институти директори Р. А. Зоҳидовдан бир умр миннатдорман. Узбек, рус, тожик ва татарлардан ўнлаб, юзлаб дўстларим бор. Улар билан борди-келди қилиб турамиз.

ОСОЙИШТАЛИК ИСТАЙМИЗ

Очиғини айтганда, Ўзбекистондан ўз бахтимни топганман. Тўрт қиз ва икки ўғлим бор. Бундан 45 йил бурун ўзбек халқи мен сингари месхети туркларига бошпана берган, Сталин сиёсатининг қурбони бўлган бегуноҳ халқни ардоқлаган, бизлар билан қони ҳам, жони ҳам бир бўлиб кетган эди. Афсуски, Фарғона водийсида рўй берган мудҳиш воқеани эшитиб қулоқларимга ишонмай қолдим.

Мен албатта фарғоналикларни айбламоқчи эмасман. Чунки бу — халқнинг иши эмас, балки бир гуруҳ кимсаларнинг қилмиши оқибати, албатта. Бундай одамларни қайта қуриш душманлари деб айтиш керак. Улар жазоланишлари лозим. Бизнинг советлар Ватанимизда миллатлар ўртасига нифоқ солувчи кишилар бўлмаслиги зарур.

Балки, Фарғонада социал соҳада ҳам нуқсонлар бордир. Бу етилган масалалар аллақачонлар ҳал этилиши керак эди. Биз ана шундай социал-иқтисодий муаммолар, экология масалалари ҳукумат комиссияси томонидан узил-кесил ҳал этилишини истаймиз. Ўз навбатида мен ўзбекларни ҳам, месхети туркларини ҳам инсофга, осойишталикка чақираман. Келинглар, иноқлигимизга, инсонийлигимизга путур етмасин!

Асқар Белол ўғли ВАРДИАШВИЛИ,
Ҳ. Олимжон номидаги Қарши давлат педагогика институти индустриал педагогика факультети декани, техника фанлари кандидати.

Фарғонадаги тартибсизликларни тугатиш учун қатъий режимга амал қилиняпти. Сиз кўриб турган суратда мамлакат СССР Ички ишлар министрлиги билим юртларидан бирнинг курсантлари шаҳар кўчаларида патруллик қилаётган пайт тасвирланган.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ОНАЛАР ТИЛАГИ — ТИНЧЛИК

Минг бор таассуфлар бўлсинки, замонамизда бир қадар тинчлик барқарор бўлиб турган пайтда республикамизда нотинчлик. Ҳатто мотам куни эълон қилинди. Бу фожиани бошимизга бироз олиб келиб ташлагани йўқ ёки бунга кўпинча бўлганидек, табиий офат ҳам сабабчи эмас. Бу балои азим, хунрезликни ўзимизга ўзимиз орттирдик. Бунинг олдини олиш мумкин эдими? Албатта! Ахир биз ота-оналар, опа-сингиллар билагида қони жўшиб, хиссиётлари қизиқконликка ундаётган баъзи ўғлонларимизни адоват қурашидан қайтарганимизда, қўни-қўшнилар, ҳамқишлоқлар, ҳамюртлар ўртасида рўй берган келишмовчиликлар, можароларнинг олдини олганимизда бу фожиалар бўлмаслиги мумкин эди, албатта.

Ёниб, кули кўкка соврилган ўй-жойлар, беҳуда қурбонлар, кўз ёшлари дилингни хуфтон қилади. Фарғона водийсидаги нотинчлик Тошкент, Термиз, Янгийўл, қўйингчи, бутун республика, иттифоқ меҳнат аҳли хонадонига ҳам нотинчлик олиб келди. Қўшнинг тинч — сен тинч, деб шунга айтсалар керак-да.

Куни кеча ёнма-ён яшаб, ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган, тўй ва маъракаларини, қувонч ва ташвишларини биргаликда баҳам кўриб яшаётган турк биродарларимизнинг ўрни ҳувиллаб қолди. Уларнинг яхши нияти билан қурган уй-жойлари вайронага айланди. Ўғил-қизларининг тўй-томошаларига атаб боқаётган мол-ҳоллари ҳам, давлатга топшириладиган пилла дасталари ҳам жойжойида қолиб кетди...

Шоир Маҳтумқули айтганидек, яхшида гина оз бўлур. Ёмон эса кунда бир уруш чиқаради. Бу таҳликали кунларни бартараф этишнинг бирдан бир йўли ўртадаги гина-қудуратларни унутиб, осойишталикка интилишдир. Жанжал ва тўполон йўли билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бугунги куннинг бирдан бир тилаги осойишталикка интилишдир. Яхшилик билан битмаган иш ҳеч-қачон ёмонлик билан битмаган.

Ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг ўз ўғил-қизи, партия ва ҳукуматимиз ва халқлар олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ниҳоятда ошган бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Ишонаманки, ўз ўғил-қизини ёмон йўлдан қайтара олмайдиган ота-она бўлмайди. Бугунги кунда сиз муҳтарам онахонлар, бувижонлар, азиз опа-сингилларнинг фарзандларингизни тарбиялаш борасидаги энг яхши ўгитларингиз, панд-насиҳатларингиз, эътиқоду-ишонтагингиз ўз юзини кўрсатади.

Фарғона водийси кишилари ниҳоятда талантли, танти халқ. Агар бугун сафдошларим — Юсуфжон қизиқ, Маъмуржон ака, Ғўрахон ака ҳаёт бўлишганда ҳам сизга шундай деб мурожаат қилган бўлишарди: месхети турклари билан ўзбек халқи ҳеч қачон бундай қон тўкишларни истамаган ва истамайди ҳам. Икки томон ҳам уруш-жанжалга дарҳол барҳам беришлари керак. Тинчликка эришиш учун ўзларида куч топмоқлари лозим, бир-биридан кечирим сўрашлари жоиздир. Улар 45 йил мобайнида тинч-аҳил яшаганларидек ҳаётлари изга тушиб кетишига ишонаман. Бу кўп жиҳатдан сиз — ота-оналарнинг хизматингиз ва ҳиммматингизга боғлиқ.

65 йилдан буён қўшиқ айтаман. Репертуаримдаги «...тинчлик учун курашингиз опа-сингиллар...» нақорати билан айтиладиган қўшиқни энг кўп куйлаганман. Уни ҳар гал зўр эҳтирос ва ҳаяжон билан айтаман. Негаки, тинчлик бўлса олам фаровон, одамларнинг кайфияти кўтаринки, иши унумли бўлади. Инсон учун тинчлик, хотиржамликдан ортиқ бахт йўқ. Бунинг учун курашиш керак.

Ҳалима НОСИРОВА,
СССР халқ артисти.

ИНСОНИЙ БУРЧ

Тошлоқда ур-тўполон бўлган куни Тошкентда Шуҳрат Одилов яна бир карра қон берди. У шу пайтгача неча марта қон берганини эслай олмайди. Тўғрироғи, ҳисобламаган ҳам. Аммо шаҳар қон қуйиш станциясидагилар биларди. Шуҳрат Одилов берган қон кейинги икки ҳафтанинг ўзида уч оғир беморни: ўзбек Ғайрат Мирзаев, қорақалпоқ Шокир Матюсупов ва рус Валерий Борисовларни ўлим ёқасидан қайтариб келди.

Шуҳрат биринчи марта Армия сафида қон берган эди. Чунки, авариянга учраган рус ўртоғининг қон группаси учинчи Шуҳратнинг ҳам қон группаси шундай бўлиб, жон деб розилик берди.

— Армиядан қайтгач, яқин таниш-билишларим учун бир неча марта қон бердим, — дейди донор. — Ана ўшанда беморларга қанчалик ёрдамим тегмаганлигини, бу билан ўз инсоний бурчимни адо этганлигимни чуқур ҳис этдим. Отам Фарғонадан, онам тошкентлик. Ўзим «Узпитцепром»да юрисконсультант бўлиб ишлайман. Юртдошларимга мурожаат қилмоқчиман. Мен ўзимдаги энг қиймматбаҳо нарсани — қонимни одамларга, улар шунга зарур бўлганлиги учун, қайси миллатга мансублиқларидан қатъи назар, бериб келмоқдаман. Чунки, ҳаммамизнинг қонимиз бир. Инсон ҳамма вақт, бири-бирига муҳтож, бири-бирига зарур. Шундай экан, қон тўкиш эмас, балки бир-биримизга қон берайлик. Ҳаёт учун, порлоқ истиқбол учун шундай қилайлик.

Ҳаётнинг мазмуни ана шундай.

МАРДЛИК, МАТОНАТ...

Газеталарда босилган дастлабки хабарларни ўқиган киши Фарғона областида фожиали воқеалар содир бўлган пайтда тартибсизликларга фақат ички қўшинлар қаршилик кўрсатишибди-да, деб ўйлаши мумкин. Лекин маҳаллий ҳокимият органлари ҳам четда туришгани йўқ. Тўғри, оддий одамлар қуролланган оломоннинг йўлини тўсиши қийин, албатта, аммо, ҳар қалай...

ЎзТАГ мухбири Қўқон шаҳар партия комитетига телефон қилди. Телефон трубкасини шаҳар партия секретари **Ў. А. Акрамова** кўтарди:

— Қувасойдаги воқеалардан кейин вазият тобора кескинлашиб бораверди. Шундай шароитда биз меҳнаткашларни тартибни сақлашга сафарбар этишга уриндик. Учинчи ва бешинчи июнь кунлари активларни, корхона ва муассасалар раҳбарлари ва партия ташкилотлари секретарларини тўпладик. Шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комитети ходимлари, корхоналарнинг вакиллари маҳаллаларда ташвиқотчилик ишлари ўтказиш учун боришди. Хотин-қизлар кенгашлари ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши аъзолари жўшқин ташвиқотчилик қилишди. Корхоналарда тартибни сақлаш учун ишчи группалари тузишга киришилди. Қурилиш министрлигининг 4 автобазасида, мебель фабрикасида, суперфосфат заводида айниқса фаол ҳаракат қилишди. Шуни таъкидлашим зарурки, кўрилган тадбирлар туфайли ана шу корхоналар 7 июндаги бебошлик чоғида унча катта зарар кўришгани йўқ. Месхети турклари билан учрашдик. Ҳужум бошлангудек бўлса уларни ҳимоя қилиш ва яшириш чораларини белгиладик. Бу тадбирлар ўз вақтида кўрилган экан, акс ҳолда қурбонлар кўпроқ бўлиши мумкин эди.

5 июнь куни вертолётлардан шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети номидан, ақл-идрок билан иш тутинг, ҳушёр бўлинг, деган мазмунда варақалар ташланди.

7 июнь куни пешиндан кейин жанжалкашлар шаҳарга ҳужум қилишди. Воқеалар қандай кечгани эндиликда ҳаммага маълум. Аммо биз фожиали дақиқаларда мардлик, матонат билан иш тутган, уюшқоқлик кўрсатган кишиларнинг номларини тилга олишимиз керак. Сут заводи, шойи тўқиш фабрикаси аҳли ишни тўхтатгани йўқ. Ўша куни нон заводида одатдагидан кўра икки баравар кўп маҳсулот тайёрланди, ахир одамлар кўпроқ нон сотиб олишлари керак эди. Завод директори Адимқул Мавлонқулов ва унинг ўртоқлари безорилар бостириб кирган шаҳардан корхонага ун олиб келиш учун ҳарбийларга хос ишбилармонлик қилдилар.

Жанжалкашлар темир йўл станциясига ҳужум қилишганида ҳам локомотив депоси, дистанциялар ва бошқа бўлинмаларнинг ходимлари иш жойларидан кетишгани йўқ. Анчагина корхоналардаги дружиначилар ёпирилиб келаётган оломонга зарба бердилар. Шу боисдан ҳам келгуси куни ана шу корхоналарда ишни яна давом эттириш мумкин бўлди.

Комендантлик соати амал қилаётган бўлса ҳам, ҳозир шаҳар осойишта яшамоқда. Барча меҳнаткашлар яқин орада ҳаёт одатдаги изга тушиб кетади, деб умид қилмоқдалар.

ХАЛҚ ЎГИТИ:

- Айбсиз дўст ахтарган дўстсиз қолар
- Аҳиллик бахтнинг боши
- Бахт қаерда — иттифоқликда.
- Дўст — дўстнинг ойнаси
- Дўстлик барча бойликдан афзал
- Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.

АХБОРОТ

АКАДЕМИК ОРИФОВ ХОТИРАСИ

13 июнь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институтида атом зарраларининг қаттиқ жисм сиртига ўзаро таъсирига бағишланган Бутуниттифоқ симпозиуми иш бошлади. Симпозиум республика Фанлар академиясининг академиги У. Орифов хотирасига бағишланган.

Симпозиум ишида Москва, Ленинград, иттифоқдош республикалар етакчи илмий марказларининг олимлари ва мутахассислари қатнашмоқдалар.

Уч кун давомида олимлар атом зарраларининг ўзаро таъсири жараёнлари билан боғлиқ бўлган эмиссион электроника ва қаттиқ жисм сирти физикасининг энг муҳим масалаларини муҳокама қиладилар. Регионга хос бўлган энг муҳим муаммолар — пахта физикаси ва қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши фан ва техниканинг микроэлектроника, гетероген катализ, илмий приборсозлик, биотехнология каби соҳаларини янада ривожлантиришни кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Таниқли олим ва фан ташкилотчиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Убай Орифович Орифов Ўзбекистондаги мана шу тадқиқотларга бошчилик қилган эди, шу кунларда олимнинг 80 йиллиги нишонланмоқда.

«ЭКОЛОГИЯ АХБОРОТНОМАСИ»

«Советская Каракалпакия» газетаси саҳифаларида «Экология ахборотномаси»нинг биринчи сони эълон қилинди. Энди мунтазам чиқа бошлайдиган маълум мавзуга бағишланган саҳифа шундай деб аталади. «Ахборотнома»нинг биринчи сонида Амударё суви-нинг аҳволи ҳамда автоном республиканинг турли районларидаги тупроқ таркибидаги туз миқдори, атмосфера ҳавосининг сифати ҳақида ўқувчиларга хабар берилади. Юқумли касалликлар ва болалар ўлими ҳақидаги маълумотлар ҳам эълон қилинган.

Муаллифлар қаторида табиатни Муҳофаза қилиш давлат комитети билан автоном республика Соғлиқни сақлаш министрлиги, «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси, бошқа ташкилотларнинг мутахассислари бор. Улар ўз мақолаларида автоном республикада экологик ҳолатнинг яхлит, ҳақиқий манзарасини акс эттирадилар. Бу эса Амударё этакларида табиий фалокатнинг олдини олиш учун аниқ мақсадни кўзлаб, фаолроқ курашишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

САФАРДА — НЕМИСЧА ҚЎШИҚЛАР

● «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси йўли билан ГДРда сафарда бўлган Тошкент консерваториясининг студентлари яхши таассуротлар билан қайтдилар.

Ўзбекистонлик туристлар орасида консерваториянинг «Немис халқ қўшиқлари» ансамбли ҳам бор эди. Ансамбль қатнашчилари Александрплац, Биттерфельд, Наумбург шаҳарлари ҳамда Брюселдаги маданият ва истироҳат боғида концерт номерлари кўрсатиб, мезбонларни мамнун этишди. Улар ижросидаги немисча қадимий халқ қўшиқлари, айниқса, диққатга сазовор бўлди.

О. ИБРОҲИМОВА.

• БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ҲАМКОРЛИГИ •

Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, самимий мулоқотлар самарали кечмоқда. АҚШнинг Олимпия шаҳри Самарқанд билан биродарлашди. Тошкент билан Сиэтл шаҳарлари ўртасидаги ўзаро алоқалар эса тобора яхшиланиб бормоқда. Яқинда тошкентлик мўйқалам устаси Марат Содиқов уйида америкалик рассом Пол Нэткин меҳмон бўлди.

Биродарлашган Олимпия шаҳар комитети раиси Герберт Фуллер (ўнгда) Самарқанд шаҳар ижроия комитетидаги учрашувда. Рассомлар Пол Нэткин билан Марат Содиқов.

ЎзТАГ суратлари.

БУ БЎСТОН ИЧРА

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги уйғур адабиёти кенгаши қатнашчилари ижодидан

Эмин Усмон раҳбарлик қилаётган бу Кенгаш ташаббуси билан уйғур ёзувчиларининг ҳикоя ва ҳикоялари тўплами тайёрланиб, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига топширилди. Бундай тўплам биринчи марта тайёрланаётгани учун унга Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Москвада яшаб ижод қилаётган қаламкашларнинг асарларидан намуналар киритилди.

«Юлдузча» нашриёти учун уйғур халқ эртаклари тайёрлаб қўйилди. Яқин келгусида уйғур болалар шоирларининг тўпламини тайёрлаш мўлжалланган.

Қуйида Ўзбекистон ва Қозоғистонда яшаб ижод қилаётган шоирлардан баъзиларининг шеърлари босиляпти.

УЧҚУН

ҚУШИҚ

Бир қўшиқ янграйди мағрур, пурвиқор,
Янграйди қалбларни этиб маҳлиё.
Ундан қувват олар нотавон жонлар,
Унда мужассамдир кураш — ибтидо.
Бир қўшиқ янграйди,
Қадимий садо.
Замонлар ўтару
У бўлмас адо.
Ҳаётга чорлайди, курашга, шаънга,
Эрк учун, халқ учун
Бўлмоққа фидо.
Уни сўнгги бора тинглаган жон ҳам,
Юраги қатига қилиб олар жо.
Тақдирга тан берган чоғда ҳам қатто
Унинг омонлигин қилар илтижо.
Бу қўшиқ — Ватандир,
Муқаддас Ватан!
Шоирлар — бу куйдан таралган садо.
Бу қўшиқ ҳаётдир.
Бу қўшиқ — ҳурлик,
У инсон мангулик
Бўлмагай адо.

Жамшид РЎЗИОХУНОВ

ҚУМТЕПАЛАР

Чўл — ташналик китоби,
Мисрасидир қумтепа.
Ёзиб, чизиб қаламсиз,
Ўчирар бўрон — хафа.
Кўчиб-қўниб турадн,
Томир отмас бутадек.
Баъзан увиллар хаста,
Етим қолган бўтадек.
Эрки ўзида эмас —
Нола қилиб оҳ урар.
Тўзимсиз қумтепадир
Иродасиз одамлар.

Абдумажид ДАВЛАТОВ

БИРОВ...

Бу ҳаёт буткул тилсим, кураш деймиз,
Гулханлардан сакраб ўт, сойларни кеч.
Не ҳасратда юрсак ҳамки ўзимиз,
Ҳамиша бировнинг ғамини еймиз.
Биров дардинг тушунар, лек биров мутлоқ,
Биров сенга ишонади, бировн гумроқ.
Бировнинг мардлигин сезмай яшайсан,
Номардлик қиладн бошқаси ҳар чоқ.
Мудом тонглар отиб, кўёш ботади,
Ҳар инсон қалбида сирлар кўп алҳол.
Яхшилик тилаган одамнинг сенга
Ёмонлиқ тошини отар бемалол.
Ҳаёт қизиқ, баъзан тилсим сабоқ у,
Мангпайга не битган
Билмайсан ёҳу...
Бир сўзин, ҳарифин англамасанг-да,
Ўзинга жалб этар тошдаги ёзув.
Бақад қизиқ, ажаб жумбоқ бу ҳаёт,
Кимнидир ғам эзар, кимдир ўтар шод.
Биров руҳиятин поклаш истайди,
Биров қорни тўйса қилар қаноат.
Ҳаммаси ўткинчи, ён-верингга боқ,
Умр — учқур ҳаёл,
Мафтункор, бироқ.
Биров ўз йўлини тополмай ҳайрон,
Биров учун Ватан ҳеч сўнмас маёқ.

Эмин УСМОН таржималари.

Ҳожихон ШОКИРОВА

ВАҚТ

«Афсус, тугаб қолди бизга берган вақт...» —
Дейди кимдир ногоҳ телеэкранда.
Зеро, дақиқалар — барн ҳисоблн,
Соннялар тутқнч бермас экан-да.
Икки дўст учрашар масрур ва хушҳол,
— Аҳвол нечук!
— Қандай янгиликлар бор!..
— Гапим кўп эди-ю, вақтим зиқ. Хуш қол!..
Улар зудлик билан айрилар ночор.
Гўдакнинг юраги саволларга лиқ,
Кўрнинган неки бор — унга топишмоқ.
Бу нима! У қандоқ! Барнга бир-бир
Жавоб берай десанг, вақт бўлар адоқ.
Йўқламайсан, дейди қавму қариндош,
Дўстлар ҳам бу ҳолдан ранжигай фақат.
О, фурсат, бир лаҳза беролмайсан дош,
Дўстлар дийдорига тўйдирмайсан, Вақт!..
Бетобсан, тез ишга бормоғинг зарур,
Ташвишлар келади, ташвишлар кетмас.
Шундай чоғ дегаймиз беозор, беун:
«Касал бўлишга ҳам вақтимиз етмас».
Вақт қайда! Вақт тиғиз!
Фурсат — ғанимат.
Қайда у! Биз уни қайларга кўмдик!..
Балки, бекор ўтган дамлар домнга
Фурсатни топшириб... Ҳаёлга чўмдик.
Совтсиз яшаган бахтли авлодлар,
Қўёш ва соядан ўлчанган фурсат.
Бироқ, ҳар нарсага фурсати етган,
Таъқиб айламаган уларни суръат.
Бизчи! Соатларга ушлашдн кунин,
«Дақиқа» сўзини солдик луғатга.
Ҳар бир сонияни ишлатдик тежаб,
Бироқ, ёлчиймаймиз ҳамон фурсатга.
Аждодлар ўтдилар ою кун санаб,
Биз лаҳза санаймиз қадам-бақадам.
Не кечар бўлажак авлодлар ҳолн!..
Эҳтимол, бўлинар соннялар ҳам.
Ер-ку ўз ўқида айланар ҳамон,
Қўёш — ўша қўёш, ўша ҳур турбат.
Аммо, давр ўзга, замонлар ўзга,
Нурнинг тезлигида учмоқда фурсат.
Шиддаткор асримиз тасодифга бой,
Ҳар лаҳза — кашфиёт,
Янгилик — ҳар он.
Қайтиб келар, балки, ўчган фурсатлар,
Бироқ қайтиб келмас бу учқур замон.

Одил ИКРОМ таржимаси.

Тошкент — Флорида мулоқоти

Тошкентнинг бешта театр коллективи Американинг Флорида штатига гастроллар билан боришга тайёр турибди. Ўзбекистон пойтахтига ҳам шунча театр артистлари гастролга келишдан мумкин бўлур эди. Американинг маданият арбоби Гильберт Лизнер шундай таклифни олга сурди. У Флорида штати билан республикамиз театр арбоблари ўртасида алоқалар ўрнатиш мақсадида Тошкентда бўлди. Конкрет мулоқот сифатида театрлар фестивалини биргаликда ўтказиш ғояси илгари сурилди.

Америкалик меҳмон Тошкент театрлари постановкаларини бориб кўрди. У режиссёр М. Вайлнинг «Илҳом» театр студиясида саҳналаштирилган «Кломадеус», режиссёр Б. Йўлдошевнинг «Ёш гвардия» драма театрида қўйилган «Келинлар қўзғолони» спектакляриги, Б. Тўлаганов раҳбарлигидаги «Тошкент» театр студияси концерт программасига юксак баҳо берди.

(ЎзТАГ).

Сиэтл Тошкентда меҳмонхона қуради

СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари Тошкент учрашуви кезларида кўпгина фойдали мулоқотлар қаторн хайрли режаларга ҳам қўл урилди. Айниқса, мазкур учрашув ташаббускорлари ҳисобланган Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг раҳбарлари амалий ишлар хусусида келишиб олишди. Тошкентда халқаро туризм меҳмонхонасини қуриш ана шундай тадбирлар сирасига киради. Шу муносабат билан Сиэтл шаҳар делегацияси аъзоси, меҳмонхоналр қуриш фирмасининг хўжайини Рубин Селант мухбиримиз билан мулоқотда бўлди.

— Тошкентда бўлажак йнрик меҳмонхона қуриш нстққолн ҳақида нималар дея оласиз?

— Иккала мамлакат ўртасида яхши муносабатлар ривожланаётганлиги, биродарлашган шаҳарларнинг ўзаро иқтисодий ва социал алоқалари тобора кенг қулоч ёзаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Сирасини айтганда, меҳмонхонага қандай ном бериш ҳам аниқ эмас. Ўйлайманки, бу борада Тошкент томони бирор фикрга келади.

— Бино шакл жиҳатдан қандай кўринишга эга бўлади? Кўп қаватли бўлса керак?

— Биз қурадиган бино Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига ўхшамайди. 25 қаватдан иборат бўлади. Унда ҳар бири икки ўринли 500 хона бўлиши мўлжалланмоқда. Меҳмонхона остида машиналар учун гараж қурилади. Шунингдек, меҳмонхонада ҳовуз, ресторанлар, спорт майдончалари, қизиқарли учрашув ва анжуманлар учун иккита зал бўлиши кўзда тутилган.

— Бино ўзбек миллий меъморчилик санъати анъаналарн руҳида безатиладими?

— Албатта, қурилишда масаланинг бу томонига ҳам аҳамият берилади. Чунончи, қаватлар ёғоч, ганч ва мис ўймакорлиги намуналари билан безатилади. Бунинг учун ўзбек халқ ўймакор усталари ишга таклиф қилинади.

— Лойиҳа ва қурилиш ишлари муддати ҳақида нималар дея оласиз?

— Бино лойиҳасини тайёрлаш тегишли муассасаларга буюртма асосида амалга оширилади. Унинг ҳужжатлари уч ойда тайёр бўлади. Қурилиш ишлари эса бир йил давом этади. Шундан кейин янги меҳмонхонанинг рамзий калити Тошкент шаҳар ижроия комитетига топширилади. Бунёдкорликни жаҳон стандартига мос равишда иш юритувчи ва катта тажрибага эга бўлган хорижий қурилиш ташкилоти амалга оширади. Ўйлаймизки, ўзбек бинокорлари меҳмон қурувчилар қатори ўзаро тажриба алмашиб, катта ишга муносиб ҳисса қўшадилар. Қурилиш учун мураккаб механизмлар, техника воситалари чет элдан келтирилса, металл, цемент, шагал, қум, бетон каби материаллар Тошкент корхоналаридан олинади.

— Қурилиш харажати ҳам катта бўлса керак?

— Барча қурилиш ишлари учун 50 миллион долларгача пул сарфлаш мўлжалланмоқда. Харажатларни асосан Сиэтл томони ўз зиммасига олянти. Бир сўз билан айтганда, хайрли режамиз Тошкент ва Сиэтл шаҳарлари биродарлашуви янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР УЧУН ПУЛ УТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАШ

ЭНГ ҚУЛАЙ ХИЗМАТ ТУРИДИР

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКЛАРИ

АҲОЛИНИНГ САВДО, МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА БОШҚА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ЮРИТИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТАДИ.

Ана шундай чеклар ёрдамида гражданлар 100 сўм ва ундан қиммат турадиган исталган саноат моллари учун ҳақ тўлашлари мумкин. Улар бундай молларни давлат ва кооператив савдоси магазинларидан, овчилар ва балиқчилар магазинларидан харид қила олишлари мумкин. Аҳолига олдиндан берилган буюртмалар бўйича умумий овқатланиш корхоналари (ресторанлар, кафе, ошхоналар), шунингдек боғ уйлари, заводларда тайёрланган ёғоч уйлар, улар учун деталлар комплектларини харид қилиш ва кўрсатилган хизмат учун чек ёрдамида ҳақ тўлашлари мумкин. Чунончи, қиймати 100 сўмдан юқори бўлган маиший хизмат корхоналари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳам (автомобиллар ремонти, гранит, мармар ва бошқалардан тайёрланган буюмлар) чек билан ҳақ тўлаш мумкин.

СССР территорияси бўйлаб саёҳатга чиққан ва социалистик мамлакатларга сафарга жўнаб кетаётган совет туристларига туристик хизмат кўрсатиш (йўл ҳужжатлари, валюта сотиб олиш, путёвка қиймати ва ҳоказо харажатлар) қийматини ҳам чек ёрдамида тўлаш мумкин.

Ҳисоб-китоб чеки шахс номига берилган пул ҳужжати ҳисобланади. У омонатлар ёки нақд пул тарзида қўйилган омонатчи счётида СССР Жамғармалар банкида сақланаётган маблағлар ҳисобига 100 сўмдан 10.000 сўмгача берилиши мумкин. Чек икки ой мобайнида товарлар ёки кўрсатилган хизмат ҳақини тўлаш учун амал қилади.

Фойдаланилмаган чек исталган омонат банки бўлимига қайтарилиши ҳам мумкин.

Чек унинг ҳақини тўлаш учун у қаерда берилганидан қатъи назар мамлакатимизнинг исталган бурчагидаги Жамғармалар банки томонидан қабул қилинади ва унинг ҳақи тўланади.

Сотиб олинаётган товар қиймати ҳисоб-китоб чекидаги пул қийматидан кам бўлган вақтда магазин чек эгасига чекнинг 25 процент қиймати миқдорида нақд пул билан унинг қайтимини беради.

Мабодо, нақд пул билан қайтариладиган қайтим пули миқдори чек пули ҳажмининг 25 процентидан ортиқ бўлса ва қайтим пулини бериш шарт бўлса, у ҳолда чек эгаси яқин ўртада жойлашган Жамғармалар банки бўлимига мурожаат қилиши ва чек миқдорини камроқ пул миқдорига қайта расмийлаштириши мумкин.

Бундай вақтда қайта ёзиб берилган чек учун ҳақ олинмайди.

Гражданлар, хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва зарур хом ашёларни (ишлаб чиқариш чиқитларини ҳам ҳисобга олганда), материаллар, асбоблар ва давлат ва кооператив чакана савдоси, СССР Госснаби системасидаги ташкилотлардан, бошқа жиҳозларни сотиб олувчи кишилар уларнинг ҳақини тўлашга Жамғарма банки муассасалари орқали ҳисоб-китоб чеклари ёрдамида тўлашлари ёки омонатлар бўйича счётлардаги пуллардан маълум қисмини ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб юритишлари мумкин.

Пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб юритиш ниҳоятда қулай, у меҳнаткашларни катта миқдордаги пулни ўз ёнларида олиб юриш ва товарлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш машаққатларидан озод этади.

СССР Жамғармалар банкининг Ўзбекистон банки.

УРТА ОСИЁ ГАЗ САНОАТИ ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ «СРЕДАЗНИИГИПРОГАЗ»

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: қудуқлардан фойдаланиш (нефть ва газ конларини ўрганиш» ихтисоси бўйича, 1-фан кандидати), газни тайёрлаш ва узатиш (1-фан кандидати) лабораториялари;

бошлиқлар: перспектив лойиҳалаштириш бўлими («Газ ва нефть проводлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш» ихтисоси бўйича —1), автоматика, телемеханика ва алоқа бўлими (автоматика ва телемеханика» ихтисоси бўйича — 1);

етакчи илмий ходим: регионал геология лабораторияси («геология ва нефть ҳамда газ конларини разведка қилиш» ихтисоси бўйича 1-фан кандидати); бурғулаш бўлими («нефть ва газ конларини бурғулаш» ихтисоси бўйича);

катта илмий ходимлар: бурғулаш технологияси (нефть ва газ қудуқларини бурғулаш» ихтисоси бўйича — 4), газни ер остида сақлаш (1), алгоритмизациялаш («амалий математика ва АСУ» ихтисоси бўйича — 2);

илмий ходимлар: хом ашё геологияси лабораторияси («геология ва нефть ҳамда газ конларини разведка қилиш» ихтисоси бўйича —1), атроф-муҳит муҳофазаси ва физик-кимёвий тадқиқотлар лабораторияси «химия»-«физика» ихтисослиги бўйича — 1), иқтисодий тадқиқотлар лабораторияси («экономика ва нефть ҳамда газ саноатини ташкил этиш» ихтисоси бўйича — 1), нурашга қарши муҳофаза лабораторияси («химия», «физика» ихтисоси бўйича — 2); стандартлаш лабораторияси (1);

кичик илмий ходимлар: конларни ўрганиш («нефть ва газ конларини ўрганиш» ихтисослиги бўйича — 1), иқтисодий тадқиқотлар («нефть ва газ саноати экономикаси ва уни ташкил этиш» ихтисоси бўйича — 1).

Конкурсда мазкур соҳада илмий даражага ёки бой иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар қатнаша оладилар.

АРИЗАЛАР 1 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700020, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уй, кадрлар бўлими.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЭЛЕКТР ТАНДИР

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳамда Тошкент политехника институти олимлари ҳамкорликда озиқ-овқат маҳсулотларида иссиқлик ва модда алмашинуви жараёнини интенсивлаштириш билан тайёр маҳсулот сифатини яхшилаш борасида изланишлар олиб бормоқдалар.

Яқинда олимлар электр тандир ихтиро этишиб, маҳсулотни пишириш жараёнини анча енгиллаштирдилар. Электр тандирда тайёрланган маҳсулот ўзининг сифати жиҳатидан бозордаги нон маҳсулотидан қолишмайди.

Тошкент политехника институти проректори, техника фанлари доктори А. Ортиқов (ўртада), шу институт аспиранти А. Данилов ва Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Т. Шомуродов электр тандирда пиширилган нон маҳсулоти сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ суратн.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

САМБО:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Қозоғистон пойтахтида якунланган мамлакат чемпионатида РСФСР Москва ва Қозоғистон самбочилари команда ҳисобида фахрли ўринларни эгаллашди. Республикамиз курашчилари еттинчи ўрин билан қаноатландилар. Шахсий ҳисобда 57 килограммгача бўлган самбочилар орасида ургачлик Р. Машарипов мамлакат чемпиони бўлди. 74 килограммгача бўлган полвонлар билан беллашган тошкентлик Э. Холиқов эса бронза медалини қўлга киритди.

ДЕЛЬТОПЛАН.

ИНЖЕНЕРНИНГ МАҲОРАТИ

Чирчиқ яқинида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида Свердловск ва Ленинграддан келган дельтопланчилар ҳам қатнашдилар. Мусобақада эса Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро-физика институтининг инженери Сергей Казанцев маҳорат кўрсатди. Бир неча бор мамлакат чемпиони бўлиб, рекордлар ўрнатган тажрибали бу спортчи парвоз қилишни ўрнига қўйди. У битта олтин, иккита кумуш медални қўлга киритди. Тошкентлик Саловат Жамолиддинов иккинчи ўринни олди. Ленинградлик Игорь Томп ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Умумкоманда ҳисобида тошкентликлар муваффақият қозондилар.

ФУТБОЛ:

ШКВИРИН КИРИТГАН ТЎП

Биринчи лига коллективлари ўн бешинчи тур ўйинларини ўтказишди. Чемпионат пешқадами — пойтахт армиячилари мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар «Даугава» майдонида ғалаба (4:1) қозониб, очколарини 22 тага етказишди. Иккинчи ўринда бораётган қайратчилар Ставрополь динамочиларининг меҳмони бўлишди. Учрашувда дарвозаларга иккитадан тўп киритилди. «Қайрат» 20 та очко тўплади. Мавсум бошидан бери мағлубиятсиз ўйнаётган динамочилар эса очколарини 19 тага етказишди. Пахтакорчилар ҳисобидаги очколар ҳам шунча бўлди. Футболчиларимиз Оржоникидзе спартакчилари майдонида ғалаба қозонишди. «Пахтакор»га зафар келтирган ягона тўпни 68-минутда И. Шквирин дарвозага йўллади.

ДЗЮДО:

УЧ ҒОЛИБ

Каунас шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда ўзбекистонлик тўққиз нафар курашчи қатнашди. Шулардан уч нафари ғолиблик супасига кўтарилди. Чунончи Н. Қосимов, М. Шомирзаев, Х. Назриевлар халқаро турнирнинг ғолиби бўлиб, олтин медаль билан қайтдилар.

Муҳаррир ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/VI да **Корсар**, 17/VI да **Масхарабозлар**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/VI да **Келинлар қўзғолони** (19.30), 16/VI да **Ўғрини қароқчи урди** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/VI да **Гул ва Наврўз**, 16/VI да **Ана-ука совчилар**.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Иқтисод институти коллективи «Фан самарадорлиги методик муаммолари» сектори ходими М. Ю. Қобулниёзовага турмуш ўртоғи **Искандар Жумаевич ҚОБУЛНИЁЗОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тупроқшунослик ва агрохимия институти коллективи илмий ходим А. З. Отабековга отаси **Зиётбек ОТАБЕКОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-48, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04163. Б. — 141. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12